Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1988 йил 4 декабрь, якшанба
№ 278 (4.477).
Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади

СССР Олий Советининг қарори

СССР халқ депутатлари сайловини тайинлаш тўғрисида

СССР Конституциясининг 90-моддасига ва «СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисида»ги СССР Қонунининг 14, 16-моддаларига мувофиқ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советы қарор қилади:

1. СССР халқ депутатларининг сайлови 1989 йил 26 март, якшанба кунига тайинлансин.

2. СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи битта территориал сайлов округига сайловчилар нормаси 257,3 минг сайловчи ҳисобидан белгилансин.

СССР Олий Советы Президиуми нинг Раиси М. ГОРБАЧЕВ.
СССР Олий Советы Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.
Москва, Кремль, 1988 йил 1 декабрь.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ҚОНУНИ

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА

I. Умумий қоидалар

1-модда. СССР халқ депутатлари сайловининг асослари

СССР халқ депутатлари сайлови бир мандатли сайлов округлари бўйича умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ушбу Қонунда белгиланган нормалар бўйича жамоат ташкилотлари вакиллигини таъминлаш мақсадида СССР халқ депутатларининг учдан бир қисми жамоат ташкилотлари — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, касаба союзлари, кооператив ташкилотлар, Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи, Хотин-қизлар, Уруш ва меҳнат ветеранлари, илмий ходимлар уюшмалари, ижодий союзлар ва Қонунда белгиланган тартибда ташкил этилган ҳамда умумиттифоқ органларига эга бўлган бошқа ташкилотлардан сайланади. Жамоат ташкилотларидан халқ депутатлари уларнинг съездларида, конференцияларида ёки уларнинг умумиттифоқ органлари пленумларида сайланади.

2-модда. Умумий сайлов ҳуқуқи

Сайлов округларидан СССР халқ депутатларини сайлаш умумийдир: СССРнинг 18 ёшга тўлган гражданлари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Жамоат ташкилотларидан депутатлар сайлаш ҳуқуқига бу ташкилотлар съездлари, конференцияларининг ҳамма делегатлари ёки улар умумиттифоқ органлари Пленумларининг қатнашчилари эгадирлар.

СССРнинг 21 ёшга тўлган граждани СССР халқ депутати қилиб сайланиши мумкин.

СССР гражданларининг сайлов ҳуқуқини уларнинг келиб чиқиши, социал ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, муайян жойда яшаб турган вақти, машғулот тури ва характерига қараб бирон-бир даражада бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Суд томонидан муомала лаёқатисиз деб топилган руҳий касалликка чалинган беморлар, озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган шахслар, шунингдек суд қарори билан мажбурий даволаш жойларига юборилган шахслар сайловда қатнашмайдилар.

3-модда. Тенг сайлов ҳуқуқи

СССР халқ депутатларини сайлов округларидан сайлаш тенгдир: ҳар бир сайловчи округидан сайловчи бир овозга эгадир; сайловчилар сайловда тенг асосда иштирок этадилар.

Жамоат ташкилотларидан СССР халқ депутатларини сайлаш чоғида шу жамоат ташкилоти съезди, конференциясининг ҳар бир делегати ёки Пленумининг ҳар бир қатнашчиси бир овозга эга бўлади ва уларнинг ҳаммаси сайловда тенг асосларда иштирок этади.

Хотин-қизлар билан эркаклар тенг сайлов ҳуқуқига эгадир.

Ҳарбий хизматчилар барча гражданлар билан бир қаторда сайлов ҳуқуқидан фойдаланадилар.

4-модда. Тўғридан тўғри сайлов ҳуқуқи

Сайлов округларидан СССР халқ депутатлари тўғридан-тўғри сайланади: гражданлар халқ депутаталарини бевосита сайлайдилар.

Жамоат ташкилотларидан халқ депутатлари шу жамоат ташкилотларининг съездлари, конференциялари делегатлари ёки уларнинг умумиттифоқ органлари пленумлари қатнашчилари томонидан бевосита сайланадилар.

5-модда. Яширин овоз бериш

СССР халқ депутатлари сайловида овоз бериш яширинлиги: сайловчиларнинг ўз истакларини билдиришини контрол қилишга йўл қўйилмайди.

6-модда. Сайлов комиссияларининг сайловни ўтказиши

СССР халқ депутатлари сайловини ўтказишни меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари вакилларидан, сайловчиларнинг истиқомат жойидаги ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардаги йиғилишлари вакилларидан тузиладиган сайлов комиссиялари таъминлайди.

7-модда. СССР халқ депутатлари сайловини тайёрлашда ва ўтказишда ошкоралик

СССР халқ депутатлари сайловини сайлов комиссиялари, меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотлари очиқ ҳамда ошкора тайёрлайдилар ва ўтказадилар.

Сайлов комиссиялари ўз ишлари тўғрисида, сайлов округлари тузилганлиги ҳақида, сайлов комиссияларининг состави, жойлашган ери ва иш вақти ҳамда сайловчиларнинг рўйхатлари тўғрисида гражданларни хабардор қиладилар. Сайлов комиссиялари депутатликка номзодларни рўйхатга олиш натижаларини, рўйхатга олинган номзодлар тўғрисидаги биографик маълумотларни, ҳар бир номзод бўйича овоз бериш натижаларини ва сайлов якунларини гражданларга маълум қиладилар.

Сайлов комиссияларининг мажлисларида, шу жумладан депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш пайтида, округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш ҳамда сайловнинг умумий якунларини чиқариш чоғида меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари, сайловчилар йиғилишларининг вакиллари, ишончли шахслар, шунингдек матбуот, телевидение, радио вакиллари иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Оммавий ахборот воситалари СССР халқ депутаталари сайловини тайёрлаш ва ўтказиш қандай борашётганлигини ёритадилар, уларга сайлов билан боғлиқ барча йиғилишлар ва мажлисларга ҳеч монеликсиз кириш гарантиялаб қўйилади. Сайлов комиссиялари, давлат ва жамоат органлари, меҳнат коллективлари уларга сайловни тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ маълумотларни берадилар.

8-модда. Гражданлар, меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотларининг СССР халқ депутатлари сайловини тайёрлаш ва ўтказишда қатнашиши

СССР гражданлари СССР халқ депутатлари сайловини тайёрлаш ва ўтказишда меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари, сайловчиларнинг истиқомат жойидаги ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардаги йиғилишлари орқали ҳам, шунингдек бевосита ҳам иштирок этадилар.

9-модда. СССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи

СССР халқ депутатлигига сайлов округлари бўйича номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмларидаги йиғилишлари эгадирлар, жамоат ташкилотларидан СССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эса шу ташкилотларнинг умумиттифоқ органлари эга бўлиб, улар депутатликка номзодлар хусусида маҳаллий органлардан, шу ташкилотларнинг қуйи коллективлари ва аъзоларидан тушган таклифларни ҳисобга оладилар.

10-модда. Сайловчилар ва жамоат ташкилотларининг СССР халқ депутатларига наказлари

Сайловчилар ва жамоат ташкилотлари ўз депутатларига наказлар берадилар.

Наказларни бериш, умумлаштириш, қараб чиқиш ва бажаришни ташкил этиш тартиби СССР Қонуни билан белгилаб қўйилади.

11-модда. СССР халқ депутати статусининг мансаб мавқеи билан номувофиқлиги

СССР Министрлар Советининг Раисидан ташқари СССР Министрлар Совети составига кирадиган шахслар, СССР идораларининг раҳбарлари, СССР Олий судининг раиси ва аъзолари, СССРнинг бош давлат арбитри ва давлат арбитрлари, СССР конституцион назорат комитетининг раиси ва аъзолари бир вақтнинг ўзида СССР халқ депутатлари бўла олмайдилар.

12-модда. СССР халқ депутатлари сайлови билан боғлиқ бўлган харажатлар. Сайловни моддий жиҳатдан таъминлаш

СССР халқ депутатлари сайловини тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатлар давлат ҳисобидан амалга оширилади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, давлат ва жамоат органлари сайлов комиссиялари ихтиёрига сайловни тайёрлаш ва ўтказиш учун зарур бўлган бинолар ва жиҳозларни берадилар.

СССР халқ депутатлигига номзодлар ва сайловчилар сайловни тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қилмайдилар.

13-модда. СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонунларни бузганлик учун жавобгарлик

Зўрлик ишлатиш, алдаш, дўқ қилиш ёки бошқача йўл билан, СССР гражданларининг СССР халқ депутатини сайлаш ва СССР халқ депутати бўлиб сайланиш, сайловолди агитациясини олиб бориш ҳуқуқини эркин амалга оширишга тўсқинлик қилувчи шахслар, шунингдек сайлов ҳужжатларини сохталаштирган, овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаган, яширин овоз беришни бузган ёки ушбу Қонунни бошқача тарзда бузган сайлов комиссияларининг аъзолари, давлат ва жамоат органларининг мансабдор шахслари Қонунда белгилаб қўйилган тарзда жавобгар бўладилар. Депутатликка номзод тўғрисида ёлғон маълумотларни матбуотда эълон қилган ёки бошқача усул билан тарқатган шахслар ҳам жавобгарликка тортилади.

II. Сайловни тайинлаш ва сайлов округларини тузиш тартиби

14-модда. СССР халқ депутатлари сайловини тайинлаш.

СССР халқ депутатлари сайловини СССР Олий Совети СССР халқ депутатларининг ваколат муддати тугашидан камида тўрт ой олдин тайинлайди.

Жамоат ташкилотларидан СССР халқ депутатларини сайлаш шу ташкилотларнинг съездлари, конференцияларида ёки улар умумиттифоқ органларининг пленумларида сайлов округлари бўйича сайлов кунидан кўпи билан йигирма кун олдин ва сайлов кунидан кечиктирмай ўтказилади.

Сайлов округлари бўйича сайлов куни, жамоат ташкилотлари съездлари, конференцияларини ёки улар умумиттифоқ органларининг пленумларини ўтказиш куни ва жойи ҳақидаги хабарлар матбуотда эълон қилинади.

15-модда. Сайлов округларини тузиш

Сайлов округларидан СССР халқ депутатларини сайлаш учун 750 та территориал ва 750 та миллий-территориал сайлов округлари тузилади.

Сайлов округларини СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссияси иттифоқдош республикалар давлат ҳокимияти олий органларининг тавсиясига мувофиқ ташкил этади.

Ҳар бир сайлов округидан битта СССР халқ депутати сайланади.

Сайлов округларининг рўйхати уларнинг чегараси ва округ сайлов комиссиялари жойлашган ер марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов тайинланганидан кейин кўпи билан ўн кун ўтгач эълон қилинади.

16-модда. Территориал сайлов округлари

СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи территориал сайлов округлари СССРнинг бутун территориясида сайловчиларнинг сони тенг қилиб тузилади. Сайлов округларининг чегараларини белгилашда иттифоқдош республикаларнинг маъмурий-территориал бўлиниши ҳисобга олинади. Ҳар бир сайлов учун сайлов округларидаги сайловчилар нормаси СССР Олий Совети томонидан белгиланади.

17-модда. Миллий-территориал сайлов округлари

СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи миллий-территориал сайлов округлари қуйидаги нормалар асосида тузилади: ҳар бир иттифоқдош республикада 32 та сайлов округи, ҳар бир автоном республикада 11 та округ, ҳар бир автоном областда 5 та округ ва ҳар бир автоном округда битта сайлов округи.

Миллий-территориал сайлов округлари тегишли иттифоқдош республика, автоном республика, автоном областнинг бутун территориясида сайловчилар сони тенг қилиб тузилади. Автоном округ территорияси битта миллий-территориал сайлов округини ташкил этади.

18-модда. СССР халқ депутатлари сайловида жамоат ташкилотларининг вакиллик нормалари

Умумиттифоқ жамоат ташкилотларидан 750 СССР халқ депутати сайланади, шу жумладан:

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан — 100 депутат;

СССР касаба союзларидан — 100 депутат;

Кооператив ташкилотлардан(колхозлар, матлубот жамиятлари ва гражданларнинг бошқа кооператив бирлашмаларидан) — 100 депутат;

Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзидан — 75 депутат;

Совет хотин-қизлари комитети бирлаштирадиган хотин-қизлар кенгашларидан — 75 депутат;

Уруш ва меҳнат ветеранлари Бутуниттифоқ кенгаши бирлаштирадиган ташкилотлардан — 75 депутат;

Илмий ходимлар бирлашмаларидан (умумиттифоқ академия муассасалари, илмий жамиятлар ва уюшмалардан), СССР илмий ва инженерлик жамиятлари иттифоқидан, Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятидан — 75 депутат;

СССРнинг ижодий союзларидан (Архитекторлар союзи, Дизайнерлар союзи, Журналистлар союзи, Кинематографчилар союзи, Композиторлар союзи, Ёзувчилар союзи, Театр арбоблари союзи, Рассомлар союзидан) — 75 депутат;

Қонунда белгилаб қўйилган тартибда тузилган ва умумиттифоқ органларига эга бўлган бошқа жамоат ташкилотларидан — 75 депутат сайланади.

Кўрсатиб ўтилган нормалар асосида ҳар бир жамоат ташкилоти вакилларининг сони ана шу ташкилотлар сайлаб қўйиладиган раҳбар органлари ёки улар вакилларининг марказий сайлов комиссияси чақирадиган қўшма мажлисида, келишмовчиликлар чиққан ҳолда эса марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

III. Сайлов участкалари

19-модда. Сайлов участкаларини тузиш

Сайлов округларидан СССР халқ депутатларини сайлашда овоз беришни ўтказиш ва овозларни ҳисоблаш учун сайлов округларига кирадиган районлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги районлар территорияси сайлов участкаларига бўлинади, бу сайлов участкалари территориал ва миллий-территориал сайлов округларидан халқ депутатларини сайлаш учун умумий бўлади. Сайлов участкалари ҳарбий қисмларда ҳам тузилади ва қисмлар ўрнашган жойдаги сайлов округларига киради.

Санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа доимий даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган районлардаги гражданлар турган жойларда, шунингдек сайлов куни сафарда бўлган кемаларда сайлов участкалари тузилиши мумкин, улар ўзлари турган жойдаги ёки кема бириктирилган порт жойидаги сайлов округларига киради. Сайлов участкалари қутб станцияларида ва зарур шароитлари бўлган тақдирда чет эллардаги Совет муассасалари ҳузурида ҳам тузилиши мумкин.

20-модда. Сайлов участкаларини тузиш тартиби ва нормаси

Сайлов участкалари халқ депутатлари район, шаҳар (районларга бўйсунадиган шаҳарлардан ташқари), шаҳарлардаги район Советлари томонидан ёки уларнинг президиумлари томонидан округ сайлов комиссиялари билан келишиб тузилади. Сайлов куни сафарда бўлган кемаларда сайлов участкалари Советлари ёки уларнинг президиумлари томонидан кема бириктирилган порт жойида тузилади. Ҳарбий қисмларда сайлов участкалари халқ депутатлари маҳаллий Советлари ёки уларнинг президиумлари томонидан қисмларнинг ёхуд қўшин қўшилмаларининг командирлари тавсиясига биноан тузилади.

Сайлов участкалари сайловдан камида икки ой аввал тузилади. Ҳарбий қисмларда, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган районларда, сайлов куни сафарда бўлган кемаларда, қутб станцияларида сайлов участкалари шу муддатда тузилади, алоҳида ҳолатларда эса сайловдан камида беш кун аввал тузилади.

(Давоми иккинчи бетда).

КРЕМЛДА УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев 2 декабрь куни Кремлда ХХР ташқи ишлар министри Цянь Цичэнни қабул қилди.

Суҳбат қатнашчилари Совет—Хитой муносабатларининг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари тўғрисида фикрлашиб олдилар. Биз турмушнинг турли соҳаларидаги ҳамкорликнинг ривожланиб бораётганлигидан умуман мамнунмиз, бироқ бу соҳада иш эндигина бошланди деб ҳисоблаймиз, деб таъкидлади М. С. Горбачев. Ҳозир иккала буюк халқимиз ўзгартишлар ва ислоҳотлар йўлидан бораётганлиги Совет—Хитой муносабатларини ривожлантиришга фойда етказадиган муҳим қўшимча омилдир.

Ҳозир Совет—Хитой муносабатларини янада ривожлантириш учун қулай вазият вужудга келмоқда, деган фикрга Цянь Цичэнь қўшилди. СССР ва Хитой халқлари олдида ҳозир қайта қуриш, ислоҳотларнинг мураккаб вазифалари турибди, деди у, мамлакатларимиз ўртасида янги типдаги муносабатлар ўрнатилганлиги муҳимдир. Хитой министри М. С. Горбачевнинг шу хусусдаги фикрини сўради.

Мен бу иборани мақбул кўраман, деб жавоб қайтарди у. Бизнинг туб манфаатларимиз бир-бирига зид эмас, деб ўйлайман. Ички эҳтиёжлар, иккала мамлакатда ҳал этилаётган модернизациялаш вазифалари нуқтаи назаридан ҳам, халқаро нуқтаи назардан ҳам ҳамкорликнинг яхши имкониятлари бор.

Совет Иттифоқи билан Хитой икки қўшни социалистик мамлакат сифатида фан ва техника соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш учун, тажрибани баҳам кўриш, маданият, соҳасида, ёшларни ва туристларни бир-бирига юбориб туриш соҳасида жамоат ташкилотлари йўли билан алоқаларни ривожлантириш учун катта имкониятларга эгадирлар. Хуллас, муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш тўғрисида гап бормоқда.

Халқаро сиёсатга келганда, иккала мамлакат ўз манфаатларига мувофиқ бу соҳада ҳам мустақил иш тутишлари табиий. Айни вақтда биз муфассал маслаҳатлашиб туриш, ўзаро ахборот айирбошлаш, фикрлашиш тарафдоримиз.

Шу муаммога ўтганда суҳбатдошлар ҳали дунёда ядро қуролини жамғариш, экология муаммолари, тараққиётдаги ўткир эҳтиёжлар билан боғлиқ бўлган кўпгина хавф-хатар борлиғини, технологиядаги тафовутни бартараф этиш зарурлиги ва шу кабиларни қайд этдилар. Дунёда тобора кучайиб борган ташвиш туйғуси жамоатчиликнигина эмас, шу билан бирга сиёсий доираларни ҳам қамраб олди, халқаро вазиятни ўзгартириш, соғломлаштириш зарур, деган ишончга олиб келди.

Осиё—Тинч океан регионидаги вазиятни соғломлаштириш масалалари тилга олинди. Бизнинг фикримизни тўғри тушунишларини истаймиз, деб таъкидлади М. С. Горбачев. Совет Иттифоқи бу районда бирон-бир давлатнинг манфаатларини камситиш ниятида эмас. Биз, ўз назаримизда, региондаги барча давлатларнинг манфаатларига мос келадиган мақсадларни ўртага қўйиб, рўй-рост, ҳалол сиёсат ўтказяпмиз.

Шу муносабат билан ХХР ташқи ишлар министри Кампучия теварагидаги можароли вазият каби қалтис нуқтани бартараф этиш масаласини тилга олди. Бундай қилиш Хитойнинг, Совет Иттифоқининг, Вьетнамнинг ва Кампучия халқининг ҳам манфаатларига мос бўлур эди, регионда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга кўмаклашган бўлур эди, деди у. ХХР билан СССР бу ишга ўз ҳиссаларини қўшишлари мумкин.

Совет раҳбари бу фикрга қўшилиб, бизнингча, бу муаммони ҳал этишни якунловчи босқичга олиб чиқиш учун ҳозир асос бор, деб уқтирди. Бизнинг билишимизча вьетнамлик ўртоқлар ва КХР раҳбарияти ҳам ана шундай амалий кайфиятда туришибди. Хитой билан Вьетнам ўртасидаги мулоқот муҳим роль ўйнаган бўлур эди.

Суҳбатда Афғонистондаги аҳволни тинч бартараф этиш истиқболлари тўғрисидаги масала хусусида ҳам гап борди.

М. С. Горбачев Цянь Цичэннинг илтимосига биноан сиёсий системани ислоҳ қилишни бошлаб берган СССР Олий Советининг сессияси якунлари ҳақида гапирди, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни авж олдиришнинг бундан буёнги режалари билан меҳмонни таништирди.

Суҳбат давомида ҳозир СССР билан Хитой раҳбарлари олий даражада учрашув ўтказиш ҳақида ўйлаётганликлари қайд этилди. Иккала томон бунга катта аҳамият бермоқда. Бундай кўламдаги учрашувга обдон тайёргарлик кўрилиши лозим, ХХР ташқи ишлар министрининг Совет Иттифоқига визити ва СССР ташқи ишлар министрининг ХХРга қиладиган жавоб визити ана шу тайёргарликнинг бир қисмидир. Олий даражадаги учрашувнинг эҳтимол тутилган санасига келганда, у чамаси келгуси йилнинг биринчи ярмида ўтказилиши мумкин бўлур эди.

Цянь Цичэнь М. С. Горбачевга, совет раҳбариятининг аъзоларига Хитой раҳбарларидан самимий салом топширди.

Меҳмон билан хайрлашар экан, М. С. Горбачев ҳам Дэн Сяопин, Чжао Цзиянь, Ян Шанкунь, Липэн ўртоқларга, Хитойнинг бошқа раҳбарларига шахсан ўз номидан ва ўртоқлари номидан энг эзгу тилаклар топширишни ундан илтимос қилди.

Самимий дўстона вазиятда ўтган суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе қатнашди.

(ТАСС).

Суратда: учрашув пайти. (ТАСС—ЎзТАГ телефотоси).

АЛОҲИДА КИТОБЧА ҚИЛИБ ЧИҚАРИЛДИ

«Ижарани ривожлантирайлик, қишлоқдаги иқтисодий муносабатларни қайта қурайлик: КПСС Марказий Комитетида колхозларнинг, совхозларнинг, агросаноат комплекси корхоналарининг, ижара пудратида ишлаётган коллективларнинг раҳбарлари, район партия комитетларининг секретарлари, олимлар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари билан 1988 йил 12 октябрдаги учрашув» номли китобча босилиб чиқди.

Китобчани Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИ

НАМАНГАН. 3 декабрь. (ЎзТАГ). Бугун Наманган область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум қатнашчилари область партия комитетининг бўлажак область ҳисобот-сайлов партия конференциясига ҳисобот докладини муҳокама қилдилар.

* * *

ҚАРШИ. 3 декабрь. (ЎзТАГ). Қашқадарё область партия комитетининг бугун бўлиб ўтган пленуми қатнашчилари область комитетининг бўлажак область ҳисобот-сайлов партия конференциясига ҳисобот докладини муҳокама қилдилар.

Пленум область партия комитетининг аппарати структурасини қайтадан тузиш борасидаги чора-тадбирларни ҳам муҳокама қилди.

Ташкилий масала кўриб чиқилди. С. Д. Мирова Қашқадарё область партия комитетининг секретари қилиб сайланди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми СССР Автомобиль саноати министрлиги билан СССР Қишлоқ хўжалиги ва трактор машинасозлиги министрлиги негизида СССР Автомобиль ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги умуммиттифоқ министрлигини тузди.

* * *

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Николай Андреевич Пугинни СССР автомобиль ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министри қилиб тайинлади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ҚОНУНИ

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Сайлов участкалари сайловчилар сони камида 20 ва кўпи билан 3000 сайловчидан иборат қилиб тузилади.

Тегишли халқ депутатлари маҳаллий Совети ёки унинг президиуми ҳар бир сайлов участкасининг чегаралари ҳамда участка сайлов комиссияси турган жой ва овоз бериладиган бино ҳақида сайловчиларни хабардор қилади.

IV. Сайлов комиссиялари

21-модда. Сайлов комиссиялари системаси

СССР халқ депутатлари сайловини ўтказиш учун қуйидаги сайлов комиссиялари тузилади:

СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссияси;

территориал сайлов округларидан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари;

миллий-территориал сайлов округларидан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари;

участка сайлов комиссиялари;

жамоат ташкилотларидан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи сайлов комиссиялари.

22-модда. СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссиясини тузиш

СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссияси СССР Олий Совети томонидан иттифоқдош республикалар давлат ҳокимияти олий органларининг ва жамоат ташкилотлари умумиттифоқ органларининг таклифлари эътиборга олиниб, сайловдан камида тўрт ой аввал комиссия раиси, раиснинг икки ўринбосари, секретари ва 31 аъзосидан иборат қилиб тузилади.

Марказий сайлов комиссиясининг ваколат муддати — беш йил.

23-модда. СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари

СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссияси:

1) СССРнинг бутун территориясида ушбу Қонуннинг бажарилишини контрол қилади ва унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди; зарур ҳолларда ушбу Қонуннинг талқин этилиши тўғрисида СССР Олий Советига тақдимномалар топширади;

2) сайлов комиссияларининг фаолиятини йўналтириб туради; сайлов комиссияларининг составига ўзгартишлар киритиш тартибини белгилаб беради;

3) территориал ва миллий-территориал сайлов округларини тузади;

4) СССР чегарасидан ташқаридаги сайлов участкаларини СССР территориясидаги сайлов округларига бириктириб қўйиш масаласини ҳал қилади;

5) пул маблағларини сайлов комиссияларига тақсимлайди; сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт, алоқа воситалари билан таъминланишини контрол қилади ҳамда сайловнинг моддий-техникавий таъминоти бошқа масалаларини кўриб чиқади;

6) СССР халқ депутатлари сайловига оид сайлов бюллетенларининг, сайловчилар рўйхатларининг, сайловолди йиғилишлари ва сайлов комиссиялари мажлислари протоколларининг, бошқа сайлов ҳужжатларининг формаларини, сайлов қутиларининг ва сайлов комиссиялари печатларининг нусхаларини, сайлов ҳужжатларини сақлаш тартибини белгилайди;

7) СССР министрликлари, давлат комитетлари ва идораларининг, бошқа давлат ва жамоат органларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар хусусидаги ахборотларини тинглайди;

8) сайланган депутатларни рўйхатга олади, умуман мамлакат бўйича сайлов якунларини чиқаради, сайлов якунлари тўғрисидаги ахборотни ва сайланган СССР халқ депутатларининг рўйхатини матбуотда эълон қилади;

9) СССР халқ депутатлари съездининг мандат комиссиясига депутатларнинг ваколатларини текшириш учун зарур ҳужжатларни топширади;

10) қайта сайлов ўтказиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этади;

11) халқ депутатларини чақириб олишни ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этади;

12) ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига СССР халқ депутатлари сайловини тайинлайди ва бу сайловнинг ўтказилишини таъминлайди;

13) сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари хусусидаги ариза ҳамда шикоятларни муҳокама қилиб, улар юзасидан узил-кесил қарорлар чиқаради;

14) Ушбу Қонунга ва СССРнинг бошқа қонунларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

24-модда. Округ сайлов комиссияларини тузиш

Округ сайлов комиссияси СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи ҳар бир территориал ва миллий-территориал сайлов округида сайловдан камида уч ярим ой аввал 11—17 аъзодан иборат қилиб тузилади.

Округ сайлов комиссияси составига вакиллар меҳнат коллективлари ёки уларнинг кенгашлари, жамоат ташкилотларининг республика, ўлка, область, округ (автоном округ), район, шаҳар, шаҳарлардаги район органлари, истиқомат жойидаги сайловчиларнинг ва ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишлари томонидан кўрсатилади. Комиссиялар составига вакиллар кўрсатувчи меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотларини аниқлаш учун тегишли халқ депутатлари Советлари ёки уларнинг президиумлари заруратга қараб сайлов округидаги меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотлари вакилларининг кенгашларини ўтказишлари мумкин.

Территориал сайлов округларидан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари; ўлкаларга, областларга бўлинадиган иттифоқдош республикаларда, шунингдек республика қарамоғидаги шаҳарларда — тегишли халқ депутатлари ўлка, область, шаҳар Совети ёки унинг президиуми томонидан; ўлкалар ва областларга бўлинмайдиган иттифоқдош республикаларда ҳамда автоном республикаларда — тегишли иттифоқдош, автоном республика Олий Совети ёки унинг президиуми томонидан тузилади

Миллий-территориал сайлов округларидан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари тегишли иттифоқдош, автоном республика Олий Совети, автоном область, автоном округ халқ депутатлари Совети ёки уларнинг президиумлари томонидан тузилади.

25-модда. Округ сайлов комиссиясининг ваколатлари

Территориал ва миллий-территориал сайлов округларидан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияси:

1) округ территориясида ушбу Қонуннинг бажарилиши устидан контроллик қилади;

2) участка сайлов комиссияларининг фаолиятини йўналтириб туради;

3) сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия ва бошқарув органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг ахборотларини тинглайди;

4) сайловчиларнинг рўйхатлари тузилишини ва уларнинг ҳамма таниша олиши учун тақдим этилишини кузатиб туради;

5) депутатликка номзодлар кўрсатилишини ташкил этади;

6) округ сайловолди йиғилишларини чақиради ва ўтказади;

7) депутатликка кўрсатилган номзодларни рўйхатга олади ва уларга тегишли гувоҳномалар беради, депутатликка кўрсатилган номзодлар таржимаи ҳолига оид маълумотларни плакат тарзида нашр қилишни таъминлайди;

8) меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда депутатликка кўрсатилган номзодларнинг меҳнат коллективларида ҳам, шунингдек сайловчиларнинг истиқомат жойларида ҳам улар билан учрашувни уюштиради;

9) сайлов округида сайлов бюллетени текстини тасдиқлайди, бюллетенлар тайёрланиши ва участка сайлов комиссияларининг ушбу бюллетенлар билан таъминланишини йўлга қўяди;

10) сайлов округидаги сайлов натижаларини чиқаради ва матбуотда эълон қилади, сайланган депутатга гувоҳномалар беради;

11) қайта овозга қўйишни ва қайта сайловни, шунингдек ўрни бўшаб қолган депутат сайловини ўтказишни ташкил қилади;

12) депутатни чақириб олиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади;

13) участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари хусусидаги ариза ва шикоятларни муҳокама қилиб, улар юзасидан қарорлар чиқаради;

14) ушбу Қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

26-модда. Участка сайлов комиссияларини тузиш

Территориал ва миллий-территориал сайлов округларидан СССР халқ депутатлари сайлаш учун умумий бўлган участка сайлов комиссияси сайловдан камида 45 кун аввал 5—19 аъзодан иборат қилиб тузилади. Зарур ҳолларда участка сайлов комиссиясининг состави кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

Участка сайлов комиссияси составига вакиллар меҳнат коллективлари ёки уларнинг кенгашлари, жамоат ташкилотларининг район, шаҳар, шаҳарлардаги район органлари, уларнинг бошланғич ташкилотлари, аҳолининг жамоатчилик асосида тузилган органлари, истиқомат жойидаги сайловчиларнинг ва ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишлари томонидан кўрсатилади.

Участка сайлов комиссиялари халқ депутатлари район, шаҳар (районга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари), шаҳарлардаги район Советлари ёки уларнинг президиумлари томонидан тузилади.

27-модда. Участка сайлов комиссиясининг ваколатлари

Участка сайлов комиссияси:

1) участкадаги сайловчиларнинг рўйхатларини тузади;

2) сайловчиларни сайловчилар рўйхати билан таништиради, рўйхатдаги нотўғриликлар ҳақидаги аризаларни қабул қилади ва кўриб чиқади ҳамда унга тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал қилади;

3) сайловчиларга овоз бериш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаларни беради;

4) сайлов ўтказиладиган кун ва овоз бериладиган жой ҳақида аҳолини хабардор қилади;

5) овоз бериладиган бино ва сайлов қутилари тайёрлаб қўйилишини таъминлайди;

6) сайлов куни сайлов участкасида овоз берилишини ташкил этади;

7) сайлов участкасида берилган овозларни ҳисоблаб чиқади;

8) сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни уюштириш масалалари хусусида ариза ва шикоятларни кўриб чиқиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

9) ушбу Қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

28-модда. Жамоат ташкилотларидан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи сайлов комиссияларини тузиш

Жамоат ташкилотларидан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи сайлов комиссиялари шу ташкилотлар умумиттифоқ органларининг 7—13 аъзосидан иборат қилиб сайлов округлари бўйича ўтказиладиган сайлов кунидан камида уч ярим ой аввал тузилади.

Заруратга қараб бир неча жамоат ташкилотлари умумий сайлов комиссиясини тузишлари мумкин.

29-модда. Жамоат ташкилотларидан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи сайлов комиссиясининг ваколатлари

Жамоат ташкилотидан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи сайлов комиссияси:

1) депутатликка кўрсатилган номзодларни рўйхатга олади ва уларга тегишли гувоҳномалар беради;

2) депутатликка кўрсатилган номзодларнинг рўйхатини эълон қилади;

3) маҳаллий органлар, жамоат ташкилотларининг қуйи коллективлари ва аъзолари, гражданлар томонидан депутатликка кўрсатилган номзодлар шанига айтилган таклифлар ва мулоҳазаларни умумлаштириб, улар ҳақида жамоат ташкилотининг съездига, конференциясига ёки унинг умумиттифоқ органи пленумига маълумот беради;

4) СССР халқ депутатлари сайловини ўтказиш тўғрисидаги сайлов бюллетени текстини тасдиқлайди;

5) овоз бериладиган бинонинг ва сайлов қутиларининг тайёрлаб қўйилишини таъминлайди, жамоат ташкилотининг съездида, конференциясида ёки унинг умумиттифоқ органи пленумида овоз беришни ташкил этади;

6) овозларни ҳисоблаб чиқади ва депутатларни сайлаш натижаларини чиқаради, сайланган депутатларга гувоҳномалар беради;

7) такрорий овоз беришни ва ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига депутатлар сайлашни уюштиради;

8) депутатларни чақириб олишни уюштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади;

9) ушбу Қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

30-модда. Сайлов комиссияларининг ишини ташкил этиш

Сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосарлари ва секретари тегишли комиссиянинг мажлисида сайланади.

Сайлов комиссиясининг мажлисларида комиссия составининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда улар ваколатли ҳисобланади. Комиссиянинг қарорлари очиқ овоз бериш орқали комиссия умумий состави овозларининг кўпчилиги билан қабул этилади. Комиссиянинг комиссия қарорига қўшилмаган аъзолари ўзларининг алоҳида фикрларини айтишга ҳақлидирлар, бу фикрлар ёзма тарзда протоколга илова қилинади.

Сайлов комиссияларининг ўз ваколатлари доирасида қабул этган қарорлари барча давлат ва жамоат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ижро этиши учун мажбурийдир.

Сайлов комиссиясининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари хусусида юқори сайлов комиссиясига, ушбу Қонунда кўзда тутилган ҳолларда эса судга ҳам шикоят қилиниши мумкин.

Сайлов комиссиясининг аъзоси комиссиянинг қарорига мувофиқ сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод этилиб, сайлов ўтказишга ажратилган маблағ ҳисобидан ўртача иш ҳақи сақланиб қолиши мумкин.

31-модда. Сайлов комиссиясининг ваколатларини амалга оширишда уларга кўмаклашиш

Давлат ва жамоат арбоблари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов комиссияларининг ваколатларини амалга оширишда уларга кўмаклашишга, уларнинг иши учун зарур маълумот ва материалларни тақдим этишга мажбурдирлар.

Сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан давлат ва жамоат органларига, корхоналарга, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахсларга мурожаат этиш ҳуқуқига эгадир, улар эса ўртага қўйилган масалани кўриб чиқиб, уч кун муддатдан кечиктирмай сайлов комиссиясига жавоб қайтаришга мажбурдирлар.

V. Сайловчиларнинг рўйхатлари

32-модда. Сайловчиларнинг рўйхати ва уни тузиш тартиби

Территориал ва миллий территориал сайлов округларидан СССР халқ депутатларини сайлаш учун умумий бўлган сайловчилар рўйхати ҳар бир сайлов участкасида тузилади ҳамда участка сайлов комиссиясининг раиси ва секретари томонидан имзоланади. Рўйхат тузиш ишида қатнашиш учун участка сайлов комиссияси жамоатчилик вакилларини жалб этиши мумкин.

Халқ депутатлари шаҳар, шаҳарлардаги район, посёлка ва қишлоқ Советларининг ижроия комитетлари сайловчилар ҳисобга олинишини таъминлайдилар ва тегишли территорияда яшайдиган сайловчилар тўғрисида сайловчиларнинг рўйхатини тузиш учун зарур бўлган маълумотларни участка сайлов комиссияларига топширадилар.

Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчи-сайловчиларнинг, шунингдек ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлар жойлашган районларда яшовчи оила аъзолари ва бошқа сайловчиларнинг рўйхатлари ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этган маълумотлар асосида тузилади. Ҳарбий қисмлардан ташқарида яшовчи ҳарбий хизматчилар истиқомат жойидаги сайловчиларнинг рўйхатларига умумий асосларда киритилади.

Санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа доимий даволаш муассасаларида, шунингдек сайлов куни сафарда бўлган кемаларда, қутб станцияларида, чет элдаги совет муассасалари ҳузурида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхатлари мазкур муассасаларнинг раҳбарлари ва кемаларнинг капитанлари томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида тузилади.

Сайловчиларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатида овоз беришни уюштириш учун қулай тартибда кўрсатилади.

33-модда. Гражданларни сайловчилар рўйхатига киритиш тартиби

Сайловчилар рўйхатига сайлов кунигача ёки сайлов куни 18 ёшга етган, рўйхат тузилган пайтда шу сайлов участкаси территориясида доимий ёки вақтинча яшаб турган ва овоз беришда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган СССРнинг барча гражданлари киритилади.

Сайловчи бошқа сайлов участкаларида сайловчилар рўйхатларига киритилиши мумкин эмас.

34-модда. Гражданларни сайловчилар рўйхатлари билан таништириш ва сайловчилар рўйхатидаги нотўғриликлар хусусида шикоят қилиш ҳуқуқи

Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловдан ўн беш кун олдин, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа доимий даволаш муассасаларида тузилган сайлов участкаларида эса сайловдан икки кун олдин ҳамманинг танишиб чиқиши учун тақдим этилади.

Гражданларга участка сайлов комиссиясининг биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш ва унинг тўғри тузилганини текшириш имконияти таъминланади.

Ҳар бир гражданга рўйхатга киритилмаганлик, нотўғри киритилганлик ёки рўйхатдан чиқарилганлик устидан, шунингдек рўйхатда сайловчи тўғрисидаги маълумотларни кўрсатишда ноаниқликка йўл қўйилганлик устидан шикоят қилиш ҳуқуқи берилади. Рўйхатдаги нотўғриликлар тўғрисидаги ариза участка сайлов комиссияси томонидан кўриб чиқилади, участка сайлов комиссияси кечи билан икки кунлик муддат ичида, сайлов арафасида ва сайлов кунида эса дарҳол аризани кўриб чиқиб, рўйхатга зарур тузатишлар киритишга ёки аризачига унинг аризаси инобатга олинмаганлиги тўғрисидаги далил-исботли қарорнинг бир нусхасини беришга мажбурдир. Бу қарор устидан район (шаҳар) халқ судига сайловдан кечи билан беш кун олдин шикоят қилиниши мумкин, район (шаҳар) халқ суди шикоятни уч кунлик муддатда кўриб чиқишга мажбурдир. Район (шаҳар) халқ судининг қарори узил-кесилдир. Суднинг қарорига мувофиқ сайловчиларнинг рўйхатига тузатиш участка сайлов комиссияси томонидан дарҳол киритилади.

35-модда. Овоз бериш ҳуқуқи гувоҳномаси. Сайловчиларнинг қўшимча рўйхати

Сайловчи сайловчиларнинг рўйхати ҳамманинг танишуви учун тақдим этилган кун билан сайлов куни ўртасидаги даврда ўз турган жойини ўзгартирган тақдирда участка сайлов комиссияси унинг илтимосига биноан ва паспорт ёки унинг шахсидан гувоҳлик берувчи бошқа ҳужжат тақдим этилгач, сайловчига овоз бериш ҳуқуқи гувоҳномасини беради. Бунда сайловчилар рўйхатига тегишли белги қўйилади.

Овоз бериш ҳуқуқи гувоҳномаси асосида сайловчи сайлов куни қаерда бўлса, ўша ердаги сайлов участкасида сайловчиларнинг қўшимча рўйхатига киритилади.

36-модда. Жамоат ташкилотидан СССР халқ депутатлари сайловида овоз берувчилар рўйхати ва уни тузиш тартиби

Жамоат ташкилотидан СССР халқ депутатлари сайловида овоз берувчилар рўйхати жамоат ташкилотининг умумиттифоқ органи томонидан тузилади ва сайловдан камида уч кун олдин сайлов комиссиясига топширилади.

Овоз берувчилар рўйхатига жамоат ташкилоти съездининг, конференциясининг делегатлари ёки унинг умумиттифоқ органи пленуми қатнашчилари киритилади. Овоз берувчилар рўйхатига киритиш билан боғлиқ бўлган ҳамма масалалар сайлов комиссияси томонидан ҳал этилади. Овоз берувчиларнинг фамилиялари рўйхатда алфавит тартибида кўрсатилади.

VI. СССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни рўйхатга олиш

37-модда. Сайлов округларида СССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш тартиби

Территориал ва миллий-территориал сайлов округларидан СССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш сайловдан уч ой олдин бошланади ва сайловга икки ой қолганда тугалланади.

Депутатликка номзодлар меҳнат коллективларининг йиғилишларида (конференцияларида) кўрсатилади.

Жамоат ташкилотларидан сайлов округларида депутатликка номзодлар кўрсатиш уларнинг республика, ўлка, область, округ, район, шаҳар, шаҳарлардаги район органлари томонидан амалга оширилади.

Истиқомат жойида сайловчиларнинг депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишлари тегишли халқ депутатлари Советлари ёки уларнинг президиумлари томонидан округ сайлов комиссиялари билан биргаликда чақирилади. Йиғилишда сайлов округи территориясида яшовчи камида 500 сайловчи ҳозир бўлган тақдирда у қонуний ҳуқуққа эга бўлади.

Ҳарбий хизматчиларнинг депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишлари ҳарбий қисмларнинг қўмондонлиги томонидан чақирилади.

Йиғилишларда номзодларни истаганча кўрсатиш учун шароит яратилади. Йиғилишнинг ҳар бир қатнашчиси депутатликка номзодлар тўғрисида таклифлар киритиш, уларни муҳокама қилишда қатнашиш, таклиф этилаётган номзодларни қўллаб-қувватлаш ёки уларнинг номзодини кўрсатмаслик тўғрисида таклиф киритиш ҳуқуқига эгадир. Йиғилиш қатнашчиси ўз номзодини депутатликка номзод тарзида муҳокама қилиш учун тавсия этиши мумкин. Депутатликка номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарор йиғилишда очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Овоз бериш тартиби йиғилиш томонидан белгиланади.

Номзодни ёқлаб йиғилиш қатнашчиларининг ярмидан кўпроғи ёки жамоат ташкилоти тегишли органи умумий составининг кўпчилиги овоз берган тақдирда у депутатликка номзод қилиб кўрсатилган, деб ҳисобланади. Депутатликка номзод кўрсатилганлиги тўғрисида протокол тузилади. Қабул этилган қарор депутатликка номзодга икки кунлик муддатдан кечиктирмай маълум қилинади.

СССР халқ депутатлигига номзодликка, қоида тариқасида, территориал сайлов округларида сайлов ўтказилган тақдирда — тегишли сайлов округи территориясида ишловчи ёки яшовчи; миллий территориал округларда сайлов ўтказилган тақдирда — тегишли иттифоқдош, автоном область, автоном округ территориясида ишловчи ёки яшовчи гражданлар кўрсатилади.

СССР граждани айни бир вақтда халқ депутатлари иккитадан ортиқ Советининг депутати бўлиши мумкин эмас.

38-модда. Округ сайловолди йиғилиши

СССР Конституциясига мувофиқ сайлов округидан СССР халқ депутатлигига кўрсатилган номзодларни муҳокама қилиш ҳамда номзодларни тегишли сайлов комиссиясида рўйхатга олиш учун тақдим этиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш мақсадида округ сайловолди йиғилиши ўтказилиши мумкин. Йиғилиш депутатликка номзодлар кўрсатиш тугаганидан кейин округ сайлов комиссияси томонидан чақирилади ва ўтказилади. Башарти, округда депутатликка икки нафардан ортиқ номзод кўрсатилмаган бўлса, округ сайловолди йиғилиши ўтказилмайди.

Округ сайловолди йиғилишининг қатнашчилари депутатликка номзодларни кўрсатган меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотларининг органлари, истиқомат жойларидаги сайловчиларнинг, ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишлари томонидан округ сайлов комиссияси белгилаган нормаларга мувофиқ тенг миқдорда вакил қилиб юбориладилар. Мажлис қатнашчиларининг камида ярми мазкур сайлов округининг сайловчиларидан иборат бўлиши керак. Улар меҳнат коллективлари ва истиқомат жойларидаги сайловчиларнинг, ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишлари томонидан вакил қилиб юбориладилар.

Округ сайловолди йиғилишининг қатнашчиларига мазкур сайлов округидан депутатликка кўрсатилган барча номзодларнинг рўйхати ва улар ҳақидаги асосий маълумотлар барвақт бериб қўйилади.

Йиғилишда депутатликка номзоднинг сўзга чиқиб, ўз бўлажак фаолияти программасини баён этишига имконият берилади. Йиғилишнинг исталган қатнашчиси депутатликка номзодларни муҳокама қилишга ва улар юзасидан ўз таклифларини киритишга ҳақлидир.

Рўйхатга олиш учун исталган миқдорда депутатликка номзодлар тақдим этилади. Қарор йиғилиш қатнашчиларининг кўпчилик овози билан очиқ ёки яширин овоз бериш орқали қабул этилади. Овоз бериш тартибини йиғилиш белгилайди. Қарорни ёқлаб йиғилиш қатнашчиларининг ярмидан кўпроғи овоз берган тақдирда у қабул этилган деб ҳисобланади. Депутатликка номзодларни муҳокама қилиш натижалари йиғилишнинг протоколида акс эттирилади.

Йиғилишнинг қарори хусусида округ сайлов комиссиясига ёки марказий сайлов комиссиясига уч кун муддат ичида шикоят қилиниши мумкин.

39-модда. Жамоат ташкилотларидан СССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш тартиби

Жамоат ташкилотларидан СССР халқ депутатлигига номзодлар ушбу Қонун талабларига мувофиқ мазкур ташкилотлар умумиттифоқ органларининг пленумларида кўрсатилади. Депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишланган пленумлар тегишли жамоат ташкилотига сайлов кунидан камида икки ой аввал ўтказилади.

Депутатликка номзодлар кўрсатиш пайтида исталганча номзод кўрсатиш учун шароит яратилади. Пленумларнинг қатнашчилари депутатликка номзод тариқасида муҳокама қилиш учун исталган номзодни, шу жумладан ўз номзодини ҳам тавсия этишлари, депутатликка номзодларни муҳокама қилишда қатнашишлари, таклиф этилаётган номзодларни қўллаб-қувватлаши ёки уларни кўрсатмаслик тўғрисида таклифлар киритиши мумкин.

Жамоат ташкилотидан шу ташкилотнинг исталган аъзоси, шу жумладан дин арбоблари СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилиши мумкин.

Депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қарор очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Овоз бериш тартиби жамоат ташкилотлари умумиттифоқ органларининг пленумлари томонидан белгиланади. Номзодлар тегишли органлар аъзоларининг ярмидан кўпроғи овоз берган тақдирда улар депутатликка номзод қилиб кўрсатилган деб ҳисобланади. Жамоат ташкилотлари умумиттифоқ органларининг пленумлари томонидан қабул этилган қарорлар депутатликка номзодларга маълум қилинади.

Пленумларда мазкур жамоат ташкилотларидан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказиш учун уларнинг съездлари, конференциялари ёки умумиттифоқ органларининг пленумларини чақириш тўғрисида қарорлар қабул қилинади.

40-модда. СССР халқ депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш

Сайлов округларидан СССР халқ депутатлигига номзодлар депутатликка номзодларни кўрсатган меҳнат коллективларининг, жамоат ташкилотлари органларининг, истиқомат жойидаги сайловчилар, ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчилар йиғилишларининг ёки башарти округ сайловолди йиғилиши ўтказилган бўлса, шу йиғилишнинг тақдимига биноан округ сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинади.

Жамоат ташкилотларидан СССР халқ депутатлигига номзодлар шу ташкилотлар умумиттифоқ органларининг тақдимига биноан жамоат ташкилотларидан сайлов ўтказувчи сайлов комиссиялари томонидан рўйхатга олинади.

Сайлов округларидан депутатликка кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш сайлов кунидан икки ой аввал бошланади ва сайлов кунига бир ой қолганда тугалланади, жамоат ташкилотларидан депутатликка кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш шу ташкилотлар умумиттифоқ органларининг СССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишлаб ўтказилган пленумларидан кейин кечи билан бешинчи куни тугалланади.

Депутатликка кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳужжатлар: мазкур сайлов округидан депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги йиғилишларнинг протоколлари ва башарти округ сайловолди йиғилиши ўтказилган бўлса, шу йиғилишнинг протоколи, жамоат ташкилоти умумиттифоқ органининг қарори, шунингдек, депутатликка номзодларнинг мазкур сайлов округидан ёки жамоат ташкилотидан овозга қўйилишга розилик билдириб берган аризалари мавжуд бўлган тақдирда қабул қилинади. Ушбу Қонуннинг 11-моддасида санаб ўтилган шахслар депутатликка номзод қилиб кўрсатилган вақтларида ўз аризаларида улар депутат қилиб сайланганлари тақдирда эгаллаб турган лавозимларини бўшатиш ниятида эканликларини кўрсатадилар ёки ўз номзодларини қайтариб олишларини маълум қиладилар. Депутатликка номзодлар рўйхатга олинганлиги тўғрисида сайлов комиссияси протокол тузади, бу протокол депутатликка номзодларнинг аризалари билан бирга марказий сайлов комиссиясига тақдим этилади.

Тегишли сайлов комиссияси ушбу Қонун талабларига риоя этиб кўрсатилган депутатликка номзодларни рўйхатга олади. Рўйхатга олишдан бош тортилган тақдирда марказий сайлов комиссиясига уч кунлик муддатда шикоят қилиниши мумкин.

Депутатликка номзод айни бир вақтда фақат битта территориал ёки миллий территориал сайлов округидан ёки битта жамоат ташкилотидан овозга қўйилиши мумкин.

Депутатликка номзод марказий сайлов комиссияси составида, шунингдек ўзи номзод қилиб кўрсатилган сайлов округининг округ ёки участка сайлов комиссиясида ҳамда жамоат ташкилотидан сайлов ўтказувчи сайлов комиссиясида бўлиши мумкин эмас. Депутатликка номзод қилиб кўрсатилган ва мазкур комиссиялардан бирида бўлган шахс депутатликка номзод этиб рўйхатга олинган пайтдан эътиборан комиссия вазифаларидан озод этилган деб ҳисобланади.

Тегишли сайлов комиссияси депутатликка номзодлар рўйхатга олингач, кечи билан тўртинчи куни матбуотда депутатликка кўрсатилган ҳар бир номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулоти), иш жойи ва яшаш жойи кўрсатилган ахборотни эълон қилади.

41-модда. СССР халқ депутатлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарорнинг бекор қилиниши. Номзод ўз номзодини қайтариб олиши.

СССР халқ депутатлигига номзод кўрсатган меҳнат коллективи, жамоат ташкилоти органи, истиқомат жойидаги сайловчиларнинг, ҳарбий қисмдаги ҳарбий хизматчиларнинг йиғилиши, жамоат ташкилотининг умумиттифоқ органи сайловдан олдин исталган вақтда ўзининг депутатликка номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарорини бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бу масала юзасидан қарор депутатликка номзодлар кўрсатиш учун кўзда тутилган тартибда қабул қилиниб, тегишли сайлов комиссиясига тақдим этилади.

Депутатликка номзод сайловдан аввал истаган вақтида тегишли сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этиб, ўз номзодини қайтариб олиши мумкин.

42-модда. Бўшаб қолган ўринларга СССР халқ депутатлигига номзодларни кўрсатиш тартиби.

Башарти, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш муддати тугаганидан кейин СССР халқ депутатлигига номзодлар ўрни бўшаб қолган тақдирда, агар сайлов округида бошқа номзодлар қолмаган бўлса, округ сайлов комиссияси меҳнат коллективларига, жамоат ташкилотларига, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардаги йиғилишларига мурожаат этиб, депутатликка янги номзодлар кўрсатишни таклиф қилади. Депутатликка номзодлар ўрни сайловга бир ойдан камроқ вақт қолганида бўшаб қолган тақдирда тегишли сайлов округидан депутат сайлови умумий сайловдан кейин икки ой муддат ичида ўтказилади.

Жамоат ташкилотидан СССР халқ депутатлигига кўрсатилган номзодлар ўрни сайловгача бўшаб қолган тақдирда, башарти қолган номзодларнинг умумий сони мандатлар сонидан кам бўлиб қолса, тегишли сайлов комиссияси жамоат ташкилотининг умумиттифоқ органига мурожаат этиб, депутатликка янги номзодлар кўрсатишни таклиф қилади. Бўшаб қолган ўринларга депутатликка номзодлар кўрсатиш ушбу Қонунда белгиланган тартибда ўтказилади.

43-модда. Сайлов бюллетени

Бюллетенга СССР халқ депутатлигига рўйхатга олинган барча номзодлар алфавит тартибида киритилади, унда ҳар бир депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими (машғулоти), иш жойи ва яшаш жойи кўрсатилади. Сайлов бюллетенлари сайлов округининг аҳолиси сўзлашадиган тилларда босилади.

VII. СССР халқ депутатлигига номзодлар фаолиятининг гарантиялари

44-модда. СССР халқ депутатлигига номзоднинг йиғилишларда сўзга чиқиш, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, ахборот олиш ҳуқуқи

СССР халқ депутатлигига номзодлар сайлов комиссиялари томонидан рўйхатга олинган вақтдан бошлаб сайловолди йиғилишлари ва бошқа йиғилишларда, кенгашларда, мажлисларда, матбуотда чиқиш, телевидение, радио орқали гапириш учун тенг ҳуқуққа эгадирлар.

(Давоми учинчи бетда).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ҚОНУНИ

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

Давлат ва жамоат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари, аҳолининг ижтимоий фаолият органлари СССР халқ депутатлигига номзодларга сайловчилар ва жамоат ташкилотларининг аъзолари билан учрашувларни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам беришга мажбурдирлар.

45-модда. СССР халқ депутатлигига номзоднинг сайловолди программаси

СССР халқ депутатлигига номзод ўзининг бўлажак фаолият программасини баён этиб беради. Депутатликка номзоднинг программаси СССР Конституциясига, Совет қонунларига зид бўлмаслиги керак.

46-модда. СССР халқ депутатлигига номзоднинг ишончли вакиллари

СССР халқ депутатлигига номзоднинг ўн нафаргача ишончли вакили бўлиши мумкин, бу вакиллар сайловолди кампаниясини ўтказишда унга ёрдам берадилар, унинг депутат қилиб сайланиши учун агитация ўтказадилар, давлат ва жамоат органлари билан, сайловчилар, жамоат ташкилотларининг аъзолари билан ўзаро муносабатларда, шунингдек сайлов комиссияларида унинг манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Депутатликка номзод ишончли вакилларини ўз хоҳиши билан белгилайди ва уларни рўйхатга олиш учун округ сайлов комиссиясига ёхуд жамоат ташкилотидан сайлов ўтказувчи сайлов комиссиясига хабар қилади. Сайлов комиссияси ишончли вакилларни рўйхатга олганидан кейин уларга гувоҳнома беради.

Ишончли вакил тегишли сайлов комиссиясига кириши мумкин эмас.

47-модда. Сайловолди агитацияси

Депутатликка номзодларни кўрсатган меҳнат коллективларига, истиқомат жойларидаги сайловчиларга ва жамоат ташкилотларига ўз номзодлари учун бемалол агитация қилиш ҳуқуқи берилади.

Меҳнат коллективларига, истиқомат жойидаги сайловчиларга ва жамоат ташкилотларига сайлов комиссиялари йиғилишлар ва митинглар ўтказиш учун жиҳозланган биноларни, шунингдек сайловолди агитациясини юритиш учун оммавий ахборот воситаларини бериб қўядилар.

СССР гражданларига, меҳнат коллективларига ва жамоат ташкилотларига депутатликка номзодларнинг сиёсий, амалий ва шахсий фазилатларини эркин ва ҳар томонлама муҳокама қилиш имконияти, шунингдек йиғилишларда, матбуотда, телевидение, радио орқали номзодни ёқлаб ёки унга қарши агитация олиб бориш ҳуқуқи гарантияланади.

СССР халқ депутатлигига номзодлар йиғилишларда, шунингдек сайловчилар учун қулай бўлган бошқа формада ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказадилар. Сайловчиларнинг йиғилишлари сайлов комиссияси томонидан халқ депутатлари тегишли Совети ёки унинг президиуми ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда ташкил этилади.

Йиғилишлар ва учрашувлар қачон ва қаерда ўтказилиши сайловчиларга барвақт хабар қилинади.

Сайлов куни агитация олиб борилишига йўл қўйилмайди.

48-модда. СССР халқ депутатлигига номзодни сайловолди тадбирларида қатнашиш учун ишлаб чиқариш ёки бошқа хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиш

СССР халқ депутатлигига номзод рўйхатга олинганидан кейин сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида, митингларда, телевидение ва радио орқали сўзга чиқиш вақтида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифасини бажаришдан озод қилиниб, сайлов ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан унинг ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.

49-модда. СССР халқ депутатлигига номзоднинг транспортда бепул юриш ҳуқуқи

СССР халқ депутатлигига номзод рўйхатга олинганидан кейин тегишли сайлов округи доирасида пассажир транспортининг ҳамма турларида (такси бундан истисно) бепул юриш ҳуқуқига эга. Сайлов округидан ташқарида яшайдиган депутатликка номзод сайлов округига бориш ва яшаш жойига қайтиб келиш учун шундай ҳуқуқдан фойдаланади.

Жамоат ташкилотларидан СССР халқ депутатлигига номзодларнинг сайловолди тадбирларда қатнашиш учун транспортда юриш тартиби ва унга ҳақ тўлаш шу ташкилотларнинг умумиттифоқ органлари томонидан белгиланади.

50-модда. СССР халқ депутатлигига номзоднинг дахлсизлиги

СССР халқ депутатлигига номзод марказий сайлов комиссиясининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида белгиланадиган маъмурий жазо чораларига тортилиши мумкин эмас.

VIII. Овоз бериш ва сайлов якунларини чиқариш тартиби

51-модда. Овоз бериш вақти ва жойи

Сайлов округларидан СССР халқ депутатларини сайлаш чоғида овоз бериш сайлов куни маҳаллий вақт билан соат 7 дан 20 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловчиларни сайловдан камида ўн кун олдин хабардор қилади.

Сайлов куни сафарда бўлган кемаларда, ҳарбий қисмларда, қутб станцияларида, узоқ ва бориш қийин бўлган районларда, шунингдек чет эллардаги совет муассасалари ҳузурида тузилган сайлов участкаларида рўйхатга киритилган ҳамма сайловчилар овоз бериб бўлган бўлсалар, участка сайлов комиссияси исталган вақтда овоз бериш тугалланган, деб эълон қилиши мумкин.

Жамоат ташкилотларидан СССР халқ депутатларини сайлаш вақтида овоз бериш жамоат ташкилотининг съездида, конференциясида ёки унинг умумиттифоқ органи пленумида ўтказилади. Шу билан бирга ушбу ташкилотларнинг бошқа сайлаб қўйиладиган органлари вакиллари иштирокида кенгайтирилган пленумлари ўтказилиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳал қилувчи овоз ҳуқуқи пленумнинг ҳамма қатнашчиларига берилади. Халқ депутатлари сайлови бир нечта жамоат ташкилотларининг бирлашган съездларида, конференцияларида ёки улар умумиттифоқ органларининг пленумларида ҳам ўтказилиши мумкин.

52-модда. Овоз беришни ташкил этиш

Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилади, уларда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабиналар ёки хоналар жиҳозланиши, сайлов бюллетенларини бериш учун жойлар ажратилиши ҳамда сайлов қутилари ўрнатилиши керак. Сайлов қутилари овоз берувчилар улар ёнига келган вақтда албатта яширин овоз бериш учун кабиналар ёки хоналар орқали ўтадиган қилиб жойлаштирилади.

Овоз беришни ташкил этиш, сайловчилар ўз истакларини яширин билдиришларини таъминлаш, биноларни жиҳозлаш ва уларда зарур тартибни сақлаб туриш учун тегишли суратда участка сайлов комиссияси ёки жамоат ташкилотининг сайлов комиссияси жавобгар бўлади.

Сайлов куни овоз бериш бошланишидан олдин тегишли сайлов комиссиясининг раиси комиссиянинг барча аъзолари иштирокида сайлов қутиларини текширади, пломбалайди ёки муҳрлайди.

Ҳар бир сайловчи, съезд ёки конференция делегати, пленум қатнашчиси шахсан овоз беради; бошқа кишилар учун овоз беришга йўл қўйилмайди. Сайлов бюллетенлари тегишли сайлов комиссияси томонидан сайлов участкаси сайловчиларининг рўйхати, овоз бериш ҳуқуқи гувоҳномаси ёки жамоат ташкилотининг съездида, конференциясида, бу ташкилот умумиттифоқ органининг пленумида овоз берувчилар рўйхати асосида паспорт ёки бошқа гувоҳнома кўрсатилганида берилади. Сайлов бюллетенлари берилганлиги тўғрисида сайловчилар рўйхатига ёки овоз берувчилар рўйхатига белги қўйилади. Овоз бериш ҳуқуқи гувоҳномаси сайловчиларнинг қўшимча рўйхатига илова қилинади.

Айрим сайловчилар соғлиғи ёмонлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра, овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда участка сайлов комиссияси уларнинг илтимосига кўра комиссиянинг айрим аъзоларига бу сайловчилар турган жойда овоз беришни ташкил этишни топширади.

53-модда. Овоз беришни ўтказиш

Сайлов бюллетенлари овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш учун ажратилган кабина ёки хонада тўлдирилади. Бюллетенларни тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа бирон-бир кишининг бўлиши тақиқланади. Бюллетенларни мустақил тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи кабина ёки хонага ўз хоҳиши бўйича сайлов комиссиясининг аъзосидан бошқа кишини таклиф қилиш ҳуқуқига эга.

Сайлов округларида СССР халқ депутатларини сайлаш чоғида овоз берувчи бюллетендаги ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг фамилияларини ўчиради.

Жамоат ташкилотларидан СССР халқ депутатларини сайлаш чоғида овоз берувчи бюллетендаги ўзи қарши овоз бераётган депутатликка номзодларнинг фамилияларини ўчиради.

Овоз берувчи тўлдирилган бюллетенни сайлов қутисига ташлайди.

54-модда. Сайлов участкасида овозларни ҳисоблаб чиқиш

Сайлов округларидан СССР халқ депутатларини сайлаш чоғида сайлов участкасида овозлар ҳар бир сайлов округи бўйича ва ҳар бир депутатликка номзод бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилади.

Сайлов қутиларини участка сайлов комиссияси томонидан комиссия раиси овоз бериш тугаганлигини эълон қилганидан кейин очилади. Овоз бериш тугашидан олдин сайлов қутиларини очиш тақиқланади. Сайлов қутиларини очишдан олдин фойдаланилмаган барча сайлов бюллетенларини участка сайлов комиссияси ҳисоблаб чиқади ва бекор қилади.

Участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг асосий ва қўшимча рўйхатлари бўйича участкалардаги сайловчиларнинг умумий сонини, шунингдек бюллетенлар олган сайловчилар сонини аниқлайди. Сайлов қутиларида бўлган бюллетенлар асосида ҳар бир сайлов округи бўйича (муайян сайлов участкаси доирасида) комиссия овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг умумий сонини; ёқлаб берилган овозлар сонини ва ҳар бир депутатликка номзодга қарши берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас, деб топилган бюллетенлар сонини аниқлайди. Сайловчилар бюллетенларга қўшимча ёзиб қўйган гражданларнинг фамилиялари бўйича овозлар ҳисобланмайди.

Белгиланмаган нусхадаги сайлов бюллетенлари, шунингдек овоз бериш вақтида биттадан ортиқ номзод қолдирилган бюллетенлар ҳақиқий эмас деб топилади. Сайлов бюллетенининг ҳақиқийлигига шубҳа туғилган тақдирда масалани участка сайлов комиссияси овоз бериш йўли билан ҳал қилади.

Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссияси мажлисида кўриб чиқилади ва ҳар бир сайлов округи бўйича алоҳида-алоҳида тузиладиган протоколга ёзиб қўйилади. Протокол комиссия раиси, раис ўринбосари, секретари ва аъзолари томонидан имзоланади ҳамда марказий сайлов комиссияси белгилаб қўйган тартибда тегишли округ сайлов комиссиясига юборилади.

55-модда. Сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлаш

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссияларининг протоколлари асосида округдаги сайловчиларнинг умумий сонини; сайлов бюллетенлари олган сайловчилар сонини; овоз беришда қатнашган сайловчилар сонини; ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини ва қарши берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас, деб топилган бюллетенлар сонини аниқлайди.

Сайловда овоз беришда қатнашган сайловчилар овозининг ярмидан кўпини олган СССР халқ депутатлигига номзод сайланган деб ҳисобланади.

Округ сайлов комиссияси сайлов давомида ёки овозларни санаб чиқиш пайтида ушбу Қонунни бузишга йўл қўйилганлиги учун сайловни ҳақиқий эмас, деб топиши мумкин.

Агар сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ярмидан камроғи қатнашган бўлса, шунингдек агар округ бўйича битта номзод рўйхатга олинган бўлса, шу депутатликка номзод вафот этганлиги муносабати билан сайлов бўлмаган, деб ҳисобланади.

Сайлов округи бўйича сайлов натижалари округ сайлов комиссияси мажлисида аниқланади ва протоколга киритиб қўйилади. Протокол комиссия раиси, раис ўринбосари, секретари ва аъзолари томонидан имзоланади ҳамда белгиланган тартибда марказий сайлов комиссиясига юборилади.

Сайлов округи бўйича сайлов натижалари тўғрисидаги ахборот тегишли округ сайлов комиссияси томонидан марказий сайлов комиссияси белгиланган муддатларда матбуотда эълон қилинади. Ахборотда сайловчилар рўйхатига киритилган гражданларнинг умумий сони; овоз беришда қатнашган сайловчилар сони; ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сони ва номзодга қарши берилган овозлар сони; ҳақиқий бўлмаган бюллетенлар сони; сайланган депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими (машғулоти), партиявийлиги, иш жойи ва яшаш жойи кўрсатилади.

56-модда. Жамоат ташкилотларидан СССР халқ депутатларини сайлашда овозларни ҳисоблаб чиқиш ва сайлов натижаларини аниқлаш

Жамоат ташкилотларидан СССР халқ депутатларини сайлашда овозларни ҳисоблаб чиқиш жамоат ташкилотларидан сайлов ўтказувчи сайлов комиссиялари томонидан ҳар бир депутатликка номзод бўйича ушбу Қонунда участка сайлов комиссиялари учун белгилаб қўйилган тартибда амалга оширилади.

Белгиланмаган нусхадаги сайлов бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади. Сайлов бюллетенининг ҳақиқийлигига шубҳа туғилган тақдирда масалани сайлов комиссияси овоз бериш йўли билан ҳал қилади.

Сайловда мандатлар сонига мувофиқ энг кўп овоз олган ва жамоат ташкилотлари съездлари, конференцияларининг овоз беришда қатнашган делегатларининг ёки шу ташкилотлар умумиттифоқ органлари пленумларининг овоз беришда иштирок этган қатнашчиларининг ярмидан кўп овозини олган номзодлар сайланган, деб ҳисобланади.

Агар сайловда жамоат ташкилоти съездлари, конференцияларининг овоз берувчилар рўйхатига киритилган делегатларининг ёки шу ташкилотлар умумиттифоқ органлари пленумларининг овоз берувчилар рўйхатига киритилган қатнашчиларининг ярмидан камроғи қатнашган бўлса, сайлов бўлмаган деб ҳисобланади.

Сайлов натижалари сайлов комиссиясининг мажлисида аниқланади ва протоколга киритилади. Протокол сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, секретари ва аъзолари томонидан имзоланади ва марказий сайлов комиссияси белгилаган тартибда марказий сайлов комиссиясига юборилади.

Жамоат ташкилотларидан СССР халқ депутатларини сайлаш натижалари тўғрисидаги ахборот жамоат ташкилотлари бўйича сайлов ўтказувчи комиссиялар томонидан марказий сайлов комиссияси белгилаган муддатларда матбуотда эълон қилинади. Ахборотда жамоат ташкилоти съезди, конференциясининг сайловда қатнашган делегатларининг ёки бу ташкилот умумиттифоқ органи пленумининг сайловда иштирок этган қатнашчиларининг сони; ҳар бир сайланган депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими (машғулоти), партиявийлиги, иш жойи ва яшаш жойи; уни ёқлаб берилган овозлар сони ва унга қарши берилган овозлар сони кўрсатилади.

IX. СССР халқ депутатлари сайлови якунларини чиқариш ва эълон қилиш тартиби

57-модда. СССР халқ депутатларини рўйхатга олиш

СССР халқ депутатлари сайлови бўйича марказий сайлов комиссияси ўзига келиб тушган сайлов комиссияларининг протоколлари асосида сайланган СССР халқ депутатларини рўйхатга олади.

Агар сайлов давомида ёки овозларни санаб чиқиш ёхуд сайлов натижаларини аниқлаш чоғида ушбу Қонунни бузишга йўл қўйилган бўлса, марказий сайлов комиссияси сайловни ҳақиқий эмас, деб топиши ҳамда СССР халқ депутатини рўйхатга олишни рад этиши мумкин.

58-модда. СССР халқ депутатлари сайлови натижаларини эълон қилиш

Бутун мамлакат бўйича сайлов натижалари тўғрисидаги ахборотни ва сайланган СССР халқ депутатларининг рўйхатини марказий сайлов комиссияси кечи билан ўн кунлик муддат ичида алфавит тартибида депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими (машғулоти)ни, партиявийлигини, иш жойини ва яшаш жойини, уни депутат қилиб сайлаган сайлов округини ёки жамоат ташкилотини кўрсатиб, матбуотда эълон қилади.

59-модда. СССР халқ депутатининг гувоҳномаси ва кўкрак нишони

Округ сайлов комиссияси, жамоат ташкилотидан сайлов ўтказувчи сайлов комиссияси марказий сайлов комиссияси рўйхатга олган СССР халқ депутатларининг рўйхати матбуотда эълон қилинганидан кейин ҳар бир сайланган депутатга унинг сайланганлиги тўғрисида гувоҳнома топширади.

СССР халқ депутатлари съезди сайланган депутатларнинг ваколатини тасдиқлаганидан кейин депутат қилиб сайланганлиги тўғрисида уларга берилган гувоҳнома СССР халқ депутати гувоҳномаси билан алмаштирилади. Депутатга «СССР халқ депутати» кўкрак нишони ҳам берилади.

X. Такрор овоз бериш, такрор сайлов ўтказиш ва бўшаб қолган ўринларга СССР халқ депутатларини сайлаш

60-модда. Такрор овоз бериш

Агар сайлов округи бўйича иккитадан ортиқ СССР халқ депутатлигига номзоднинг номи қўйилган бўлса ва улардан биронтаси сайланмаган бўлса, округ сайлов комиссияси округда энг кўп овоз олган иккита депутатликка номзод бўйича такрор овоз беришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бу қарор ҳақида округ сайлов комиссияси марказий сайлов комиссиясига маълум қилади ва округ сайловчиларини хабардор қилади. Такрор овоз бериш сайлов округида кечи билан икки ҳафталик муддат ичида ушбу Қонун талабларига риоя қилган ҳолда ўтказилади.

Жамоат ташкилотларидан СССР халқ депутатларини сайлашда такрор овоз бериш айрим депутатликка номзодларга берилган овозлар тенг бўлиб, бу ҳол сайланган депутатларни аниқлаш имконини бермаган тақдирда ўтказилади. Ушбу депутатликка номзодлар юзасидан такрор овоз бериш жамоат ташкилотларининг съездларида, конференцияларида ёки улар умумиттифоқ органларининг пленумларида ўша куни ёки эртасига ушбу Қонун талабларига риоя қилган ҳолда ўтказилади.

Такрор овоз бериш чоғида бошқа номзодларга қараганда ҳаммадан кўпроқ сайловчиларнинг овозини, жамоат ташкилоти съезди, конференциясининг овоз беришда қатнашган делегатларининг ёки жамоат ташкилоти умумиттифоқ органи пленумининг овоз беришда қатнашган иштирокчиларининг ҳаммадан кўп овозини олган СССР халқ депутатлигига номзод сайланган ҳисобланади.

61-модда. Такрор сайлов ўтказиш

Агар сайлов округи бўйича СССР халқ депутатлигига кўпи билан иккита номзод овозга қўйилган бўлса ва улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса, ёки сайлов округи бўйича сайлов бўлмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган бўлса, ёхуд такрор овоз бериш сайланган депутатни аниқлаш имконини бермаган бўлса, марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссиясига сайлов округида такрор сайлов ўтказишни топширади. Бунда у сайловни янги составдаги округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан ўтказиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Овоз бериш аввалги сайлов участкаларида ва умумий сайловни ўтказиш учун тузилган сайловчилар рўйхати бўйича ўтказилади.

Такрорий сайлов умумий сайловдан кейин кечи билан икки ойлик муддат ичида ўтказилади. Сайлов комиссияларини тузиш, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш ва бошқа тадбирлар ушбу Қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Сайланган депутатлар сони мандатлар сонидан кам бўлиб қолган ҳолларда ва жамоат ташкилотидан сайлов ҳақиқий эмас, деб топилган тақдирда, марказий сайлов комиссияси шу жамоат ташкилоти бўйича такрор сайлов ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади. Такрор сайлов ўтказиш вақтида сони етишмаётган депутатлар ёки аввал ўтказилган сайлов ҳақиқий эмас, деб топилган бўлса, ушбу жамоат ташкилотидан ҳамма депутатлар сайланади. Бунда марказий сайлов комиссияси сайлов ўтказишни аввалги составдаги тегишли сайлов комиссиясига топшириши ёки жамоат ташкилотининг умумиттифоқ органига мурожаат қилиб, янги составда сайлов комиссияси тузишни таклиф этиши мумкин.

62-модда. Бўшаб қолган ўринларга СССР халқ депутатлари сайловини ўтказиш

СССР халқ депутатлари съезди айрим СССР халқ депутатларининг ваколатларини ҳақиқий эмас деб топган тақдирда, шунингдек депутат чақириб олинган, бошқа сабабларга кўра депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда тегишли сайлов округларида ёки жамоат ташкилотларида депутатлик ўрни бўшаб қолган вақтдан эътиборан уч ойлик муддат ичида янги сайлов ўтказилади. Сайлов марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов ўтказилишидан камида икки ой олдин белгиланади ва ушбу Қонун талабларига риоя қилган ҳолда ташкил этилади. Бунда округ сайлов комиссияси ёки жамоат ташкилотидан сайлов бўйича сайлов ўтказувчи комиссия сайловдан 50 кун олдин, участка сайлов комиссиялари бир ой олдин тузилади, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловдан бир ой олдин тўхтатилади.

СССР халқ депутатининг ўрни СССР халқ депутатларининг ваколат муддати тугашига бир йилдан камроқ вақт қолганида бўшаб қолса, бўшаб қолган ўринга янги СССР халқ депутати сайлови ўтказилмайди.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **М. ГОРБАЧЕВ.**

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари **Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль. 1988 йил 1 декабрь.

СССР Олий Советининг қарори

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети иттифоқдош республикалар Олий Советлари Президиумларининг ва жамоат ташкилотлари умумиттифоқ органларининг таклифларини кўриб чиқиб, «СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисида»ги СССР Қонунининг 22-моддаси асосида **қарор қилади:**

СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссияси қуйидаги составда тузилсин:

Марказий сайлов комиссиясининг раиси

Орлов Владимир Павлович, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси.

Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосарлари

Головко Дмитрий Богданович, Киев енгил саноат технология институтининг ректори, Украина ССР.

Федулова Алевтина Васильевна, Совет хотин-қизлар комитети раисининг биринчи ўринбосари.

Марказий сайлов комиссиясининг секретари

Рижов Юрий Иванович, КПСС Марказий Комитети партия қурилиши ва кадрлар иши бўлими мудирининг ўринбосари.

Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари

Аввакумов Михаил Николаевич, рассом, СССР Рассомлар союзи правлениесининг секретари.

Азизбекова Пюста Азизоға қизи, Озарбайжон ССР Фанлар академияси Озарбайжон тарихи музейининг директори.

Аксенов Владимир Викторович, СССР космонавт-учувчиси, табиий ресурсларни ўрганиш давлат илмий-тадқиқот марказининг директори, Совет тинчлик фонди правлениеси раисининг ўринбосари.

Алиева Зинаида Симбаевна, Павлодардаги СССР 50 йиллиги номли алюминий заводининг аппаратчиси, Қозоғистон ССР.

Барабашев Георгий Васильевич, М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети юридик факультетининг кафедра мудири.

Берёза Галина Сергеевна, Украина ССР Волинь область Луцк районидаги Дзержинский номли колхознинг звено бошлиғи.

Голубева Валентина Николаевна, Иваново ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Иваново шаҳри.

Гуминская Софья Васильевна, Белоруссия ССР Витебск областининг Орша районидаги К. С. Заслонов номли колхознинг чорвачилик бригадаси бошлиғи.

Денисов Валентин Петрович, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари.

Каштанов Александр Николаевич, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг вице-президенти, Бутуниттифоқ «Билим» жамияти правлениеси раисининг ўринбосари.

Кравцов Борис Васильевич, СССР юстиция министри.

Кузнецов Дмитрий Николаевич, генерал-майор, СССР ДОСААФ Марказий Комитети раисининг ўринбосари.

Қурбонова Омонгўзал, «Туркменковер» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош корхонасининг гиламдўзи, Туркманистон ССР Ашхобод шаҳри.

Маурере-Маурате Визма Петровна, «Аврора» пайпоқ фабрикаси трикотаж буюмлар тўқувчиси, Латвия ССР Рига шаҳри.

Маҳмудова Саодат Абдураҳимовна, Тожикистон ССР Ленинобод областининг Исфара шаҳридаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Мирошниченко Ирина Петровна, М. Горький номли СССР Москва бадиий академик театрининг артисти.

Михайлов Александр Алексеевич, ёзувчи, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари.

Мишкинис Владас Пятрович, Литва ССР Каунас районидаги «Запишкис» колхози правлениесининг раиси.

Науменко Инна Алексеевна, маданият ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг раиси.

Нечаев Виктор Степанович, генерал-полковник, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Паларие Мария Степановна, Суворов район марказий касалхонаси болалар бўлимининг мудираси, Молдавия ССР.

Порк Андрус Альбертович, Эстония ССР Фанлар академияси президиумининг аъзоси.

Проворотов Виталий Петрович, ВЦСПС секретари.

Прокофьев Юрий Анатольевич, КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари.

Ражабов Раҳим, Тошкентдаги «Алгоритм» электрон-ҳисоблаш машиналари заводининг директори, Ўзбекистон ССР.

Сабодан Виктор Маркианович, Совет сиҳат-саломатлик ва шафқат фонди правлениеси президиумининг аъзоси, рус православ черкови синодининг аъзоси, Ростов ва Новочеркасск митрополити, Москва патриархиясининг иш бошқарувчиси.

Смирнова Валентина Васильевна, Ленинград шаҳар КПСС Пушкин район комитетининг биринчи секретари.

Усупжанов Жаниш, Қирғизистон ССР Иссиққўл области Туп районидаги «Победа» колхозининг бош чўпони.

Фанаржян Виктор Варфоломеевич, Арманистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти.

Читанава Нодари Амросиевич, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг секретари.

Щербакова Нина Николаевна, Ф. Э. Дзержинский номидаги Москва «Трехгорная мануфактура» ипгазлама комбинатининг тўқувчиси.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **М. ГОРБАЧЕВ.**

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари **Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль, 1988 йил 1 декабрь.

СССР ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ МЕКСИКАДАГИ УЧРАШУВЛАРИ

МЕХИКО, 2 декабрь. (ТАСС). Мексиканинг янги президенти Карлос Салинас де Гортари ўз лавозимини эгаллашига бағишланган тадбирларда СССР делегациясига бошчилик қилаётган СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Ҳабибуллаев Никарагуа президенти Даниэль Ортега билан учрашди. Учрашув чоғида икки томонлама Совет—Никарагуа муносабатларига доир масалалар ва Марказий Америкадаги вазият кўриб чиқилди.

СССР делегацияси Белиз ташқи ишлар, юстиция ва иқтисодий тараққиёт министри Дин Оливер Бэрроу билан ҳам учрашди. Суҳбат чоғида Совет—Белиз муносабатларини ривожлантиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Д. Оливер Бэрроу СССРда амалга оширилаётган ўзгаришларни Белизда диққат билан кузатилаётганини ва қайта қуриш жараёнига муваффақият тилашаётганини таъкидлади. У Совет Иттифоқи Белиз мустақилликка эришиш учун сарфлаётган куч-ғайратларни қўллаб-қувватлаётганлиги ва умуман кичик мамлакатларнинг мустақиллик учун курашини қўллаб-қувватлаш позицияси учун миннатдорчилик изҳор этди.

* * *

МЕХИКО, 3 декабрь. (ТАСС). Мексика Президенти Карлос Салинас де Гортари ўз лавозимини эгаллашига бағишланган тантаналарда иштирок этаётган СССР делегациясига бошчилик қилаётган СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Ҳабибуллаев жума куни ана шу мамлакат ташқи ишлар министри Фернандо Салана билан учрашди.

Томонлар Совет—Мексика муносабатларининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари тўғрисида фикрлашиб олдилар. СССР билан Мексика изчиллик билан ривожланиб бораётган анъанавий алоқаларни қўллаб - қувватлаётганликлари таъкидланди.

Мексика ташқи ишлар министри Президент Карлос Салинас де Гортари халққа қилган биринчи мурожаатнинг Мексика Совет Иттифоқи билан дўстлик муносабатларини ривожлантириш ниятида эканлиги ҳақида гап борадиган қисмига эътиборни қаратди.

Эҳтиёт файзи

Дам олиш саҳифаси

ҒАМХЎРЛИК

Жиззах шаҳрида оналик ва болаликни муҳофаза этиш, ёш авлоднинг соғ-саломат камол топиши учун шароит яратишга алоҳида эътибор берилаяпти.

Шу йилнинг ўзида 200 ўринли кўп тармоқли болалар шифохонаси ва поликлиникаси беморларни қабул қила бошлади. Аёлларга маслаҳатлар бериш хонаси ва болалар поликлиникаси қошида кундузги стационар очилди.

Ҳ. ТОЖИМАТОВ.

ОНА ЎЛКАМ МЕНИНГ

ОҚАРИШИБ КЎРИНАДИ УЙЛАРИНГИЗ

Денгиз сатҳидан қарийб 1.600 метр баландликда жойлашган Хонжизанинг фусункор табиати бу ерга келган ҳар бир кишини мафтун этади. Айниқса кўкка бир текис бўй чўзган теракларнинг шохлари майин шабадада тинимсиз силкинади.

Кўҳитанг тоғ тизмасининг бир бўлагини, яъни қишлоқни ўраб турган қисмини хонжизаликлар Хурсандтоғ деб аташади. Унинг қўнғир, қирмизи белбоғи ҳам она табиатнинг кашфиёти.

Қишлоққа олиб борадиган илон изи йўлнинг ҳар икки ёғи осмонўпар тоғдеворлар билан қуршалган. Чап томонида эса чуқур сойлик бор. Унинг этагида тоғ билан баҳслашиб кўкка бўй чўзаётган ҳайбатли чинорларнинг япроқлари тўкила бошлабди. Фақат арчаларгина баҳор кунларидагидек ямяшил. Сойдан оқаётган шишадек тиниқ сувни айтмайсизми. У Хурсандтоғ булоқларидан сизиб чиқяпти.

Сўлим қишлоққа боравершда, йўлнинг икки томонида қурилган шинам уйлар эътиборингизни тортади. «Хонжиза» дам олиш уйи шу ерда жойлашган. Ҳар йили ёз ойларида бу ерда 2,5—3 минг киши кўнгилли ҳордиқ чиқаради. Оромгоҳдаги шароитдан нафақат сурхондарёликлар, шунингдек, иттифоқимизнинг бошқа шаҳарларидан келувчилар ҳам мамнун бўлишаяпти. Олег Кошевой номли пионерлар лагерида мавсумда қарийб 1000 нафар ўқувчи дам олиб, табиат гўзалликларидан баҳраманд бўлди. Ҳозир қишлоқда кузги-қишки ишлар, боғлардаги меваларни терib, саришта қилиш қизғин. Халқ депутатлари Сангардак қишлоқ Совети ижроия комитети раиси Шавкатилло Муродуллаев Хонжиза табиати, одамларининг ширинсуханлиги, меҳнатсеварлиги, уларнинг тошлоқ ерларда боғ бунёд этиш борасидаги машаққатли меҳнатлари тўғрисида фахрланиб сўзлаб берди.

— Хонжизани тоғ бағридаги боғ қишлоқ деб атаймиз. Атрофга бир назар ташланг, теварак олмазору ўрикзор, ёнғоқзору нокзор. Қишлоғимизда асрлардан ёдгорлик бўлиб қолган ёнғоқ дарахтлари бор. Бу ер хавоси мусаффо. Емғир ёғиб ўтганидан сўнг тош-шағал ётқизилган йўллардан юриб нафас олсангиз, баҳри-дилингиз яйрайди, ўзингизни қуйдек енгил ҳис этасиз. Тонг саҳарда эса какликларнинг ёқимли, шўх сайраши ром этади. Тоғларимизда оз бўлса-да, айиқ ва кийиклар бор. Улар — бизнинг бойлигимиз.

Қишлоқда 4.106 киши истиқомат қилади. Кейинги тўрт йил мобайнида 300 дан ортиқ келин-куёв никоҳдан ўтди. Жорий йилнинг ўн ойида 170 нафар фарзанд дунёга келди. 300 нафардан ортиқ қария кексалик гаштини сураяпти. «Хонжиза» совхозида 300, «Сангардак» совхозида эса 200 гектар майдонда боғ бунёд этилган. Эндиликда улар давлатга минг тоннадан мева етказиб берадиган хўжаликларга айланишади. Жорий йилда хонжизаликлар қарийб 600 тонна мева, 26 тонна асал етиштирдилар. Меванинг бир қисми 500 тонна маҳсулот сақланадиган махсус омбордан жой олган. «Сангардак» совхози боғбонлари эса пландаги 170 ўрнига 200 тоннадан зиёд мева, 9,5 тонна беда уруғи, 5 тонна асал тайёрладилар.

Қишлоқ қиёфаси тобора ўзгараяпти. Қадимги гувалак уйлар ўрнида замонавий, шинам бинолар қад кўтармоқда. Кейинги йилларда қишлоқ Совети территориясида якка тартибда 200 дан ортиқ янги турар жой қурилди. Тоғ бағрида бунёд этилган уйларнинг аксарияти икки қаватли, томлари шиферланган, тунука ёпилган. Ҳар хонадонни боғ дейсиз.

Хонжизаликлар турмуш шароити яхшиланиб бораётганлиги қувончли, албатта. Лекин булар ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг бошланиши, холос. Қишлоқ Совети, хўжаликларнинг раҳбарлари юртдошларининг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун янада яхшироқ шароит яратиш тўғрисида кенгроқ ўйлайдиган вақт келмадимикин? Ҳа, тоғ бағридаги боғ қишлоқлар ҳам табиатан, ҳам мазмунан гўзал бўлса, бунга нима етсин!

Б. КЕНЖАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

ЛЕЙТЕНАНТ ЭДИ, ГЕНЕРАЛ БЎЛДИ

Кичик лейтенант унвони билан 4-Украина фронтининг 261-гвардиячи полки взвод командирлигига тайинланганида Мўмин Ўринов эндигина 22 баҳорни қаршилаган эди. Бироқ яхшигина ҳаёт йўлини босиб ўтган, таржиман ҳолида Самарқанд педагогика билим юрти ҳамда Тошкентдаги пулемётчи-миномётчилар билим юртини битирганлиги тўғрисидаги ёзувлар қайд этилган эди.

У командирлик қилган пулемётчилар взводи 87-гвардиячи дивизия таркибида бир қатор шаҳарларни фашист босқинчилардан озод этишда қатнашди. Хусусан Қрим ярим ороли учун бўлган жангларда мардлик ва матонат кўрсатди. Командирнинг моҳирона ҳаракати, тажрибаси кескин ҳужумларда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шунинг учун 1942 йилнинг кузида унга «Жасурлиги учун» медали топширилди.

Қрим ярим оролидаги шиддатли жангларнинг бирида Мўмин Ўринов оғир яраланди. 1944 йилдан бошлаб армия сафидан бўшатилган жангчи йигит жонажон қишлоғига қайтиб, ўқитувчилик касбини давом эттирди. Ундаги ташкилотчилик, салоҳиятни пайқаган Самарқанд район партия комитети раҳбарлари собиқ жангчини райком инструкторлигига тавсия қилишди. Мўмин Ўринов бир неча йилдан кейин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қошидаги олий партия, Москвадаги давлат хавфсизлиги комитети олий мактабларини аъло баҳолар билан тамомлади.

Шундан кейин узоқ йиллар милиция органларида ишлади. Самарқанд область ички ишлар бошқармаси бошлиғининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари, республика Ички ишлар министрлигида бўлим бошлиғи ва қатор масъул лавозимларда сидқидил меҳнат қилди. Ўмуман, 33 йиллик самарали ва беғубор хизматдан сўнг генерал-майор унвони, кўксида қатор орденлар, медаллар билан фахрли дам олишга кузатилди.

Ҳозир Мўмин Ўринов пенсияда бўлса-да, қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Ёшлар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини кучайтиришга ҳисса қўшаяпти. Унинг ҳуқуқ-тартибот, Улуғ Ватан уруши мавзуига оид суҳбатлари Самарқанд шаҳридаги кўпгина меҳнат коллективлари, маҳалла комитетларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Э. ҲАМРОҚУЛОВ.

Уйғур халқ ансамбли ўзининг рангбаранг ва сермазмун чиқишлари билан эл меҳрини қозониб, кўп миллатли совет маданияти равнақига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

СУРАТДА: ансамбль аъзоларн миллий қўшиқ ва рақс ижро этишаяпти.

ТЎЛҚИН

УМР ДАФТАРИНИ ВАРАҚЛАБ

Отам юрган кўча

Бу кўчадан отам юрган, қадамларин изи бор,
Ҳар кун ундан такрор ўтиб, қайтган уйга шу йўлдан.
Оддий кўча, икки чети кета-кетгуча чинор,
Йўлкачалар қўшиладн келиб унга ўнг-сўлдан.
Унчалик ҳам узун эмас, аммо жуда қадимий,
Бир замонлар унинг номи Тупроққўча аталган
Қанча-қанча авлодларни кузатган у саммимий,
Қанча-қанча диллар унда мақсадига етолган.
Отам ундан ўтиб борган аравада эрта-кеч,
Энди уни тупроқ эмас, аташарди Тошкўча.
Ҳарқачон у гавжум эрур, одамлар аримас ҳеч,
Ёшарган гул шаҳрим ичра бўла олди бош кўча.
Отам юрган бу бош кўча ўша-ўшадир ҳамон.
Фақат асфальт ётқизилган — ойна каби сип-силлиқ.
Энди мен ҳам шаҳдам-шаҳдам ўтиб бораман ҳар тонг
Йўлда катта-кичикларга салом деб, қилиб қуллуқ.
Фақат бироз қартайгандек қатор чинорлар бу дам,
Гурс-гурс қадам қўйган отам энди бундан ўтмайди.
Лекин кўча, қатор чинор, ҳатто ҳар бир гиёҳ ҳам
Бардам, дадил қадамларни ҳеч қачон унутмайди.

Бугун навбат меникидир, сеникидир, оғайни,
Оталардан қолган йўлдан шаҳдам олга кетайлик.

Ҳар тонг йўлга отланайлик, бўлақол, шошил, қани,
Азиз бўлган бу кўчадан такрор-такрор ўтайлик!

Севгига айландим

Ўн саккизда бор вужудимни
Қуйдирарди ўтли муҳаббат.
Назаримда севган юракни
Тарк этмайди қувонч ила бахт.
Шундай фикр билан эрта-кеч
Қувнаб яшаб олардим нафас.
Бошқаларга нима — билмайман,
Менга севги эди муқаддас.
Кейин эса ям-яшил қирлар,
Далаларга сочилди севгим.
Ҳар баҳорда чўққидаги чўғ —
Лола бўлиб очилди севгим.
Ўн етти ёш — қизлар кўзида
Нурдай ёниб барқ урди севгим.
Ошиқларни кўрган чоғида
Йўлларида тик турди севгим.
Сўнгра эса фарзанд севгиси
Юрагимни чулғаган чоғда.
Олам-олам қувончни кўрдим,
Олам-олам толе қучоғда!
Севавердим тинмай ҳаётда,
Севги асло туғагани йўқ.
Ҳаётимда бир сирли наво
Бўлиб қолди мангулик қўшиқ.
Неварамнинг кўзида бугун
Ўша меҳр ярқ этиб ёнди.
Севги,
севги яшаркан мангу.
Мен севгига айландим энди!

Завқ

Чап томон денгизу
ўнг томон тоғлар,
Шундоқ ёнгинамда шовуллайди
кўл.
Барини бағримга сиғдира
олгум —
Ўнинчи қаватдан узатсам гар қўл
Тонгда шивалаган кузнинг
ёмғири
Япроқлар ғуборин ювган тозалаб.
Намхуш майсаларга ёнбошласам
гар,
Енгил тортиб кетар оловланган
қалб.
Шунда завқим тошиб ҳайқиргим
келар,
Бунда денгиз гўзал ва тоғ-да
гўзал,
Гўзалдир тиниқ кўл
жимирлашлари,
Ёнимда янги дўст — ўртоқ-да
гўзал.
Агар юрагимда туғилмаса завқ,
Барча гўзалликлар сохтаю бекор.
Жуда завқлисан-да, десангиз,
дўстлар,
Демакки, қалбимда мангулик
баҳор!
Ҳаёт ҳам аслида, билсанг гар,
ошна,
Завқларга ташна! Завқланиб яша!

* * *

Жонга теккан эди бебурд
одамлар,
Кетгим келар эди улардан йироқ.
Уларнинг нигоҳи солиб аламлар,
Қалбимни тимдалар мисоли тароқ.
Ҳамма бебурд бўлиб кўринди
яккаш,
Денгиз бўйларида кездим бир
ўзим.
Ҳамроҳим бўлганда суву, қуму
тош,
Чексиз уфқларга сингади сўзим.
Кунлар секин ўтди.
Ва оғир ўтди,
Бир ўзим олисга боролмадим ҳеч.
О, энди яккалик тегди жонимга,
Дилимни тарк этиб кетганди
севинч.
Яна одамларни қўмсар юрагим,
Яхшидир, ёмондир — одамлар
томон
Интилиб қолдим мен.
Танҳо ящашлик —
Ҳаётда жуда ҳам экан-да ёмон!
Билмадим яшашда бирор ўлчовни,
Жуда ҳам беқиёс экан бу жаҳон.
Аммоки ҳеч яшаб бўлмас
экан-да —
Бир ўзинг бу олам ичра ҳеч
қачон!
Майлига, у душман,
майлига, бебурд,
Гар сени нишонга олиб турса
ҳам,
Яхшикан доимо бўлса ёнма-ён,
Шуни истар экан ҳаётда Одам...

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ИПАКДАН... МУРАББО

Токио университетининг профессори Кийоси Хирабаяси ипак яқин келажакда лаззатли ва фойдали неъмат сифатида дастурхонимиздан ўрин олади, деб ҳисоблайди. У қимматбаҳо мато толалари устида қатор тажрибалар ўтказганидан сўнг бир қарашда кутилмагандек тўюладиган ана шундай хулосага келди. Мазкур ашёга эътибор бунчалик кучайганига сабаб шуки, ҳозирги пайтда Японияда ипак ишлаб чиқариш суниий толалар кенг қўлланилаётганлиги туфайли камайиб кетди.

Профессор Хирабаяси ашёнинг олдинги шуҳратини тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Хом ипак оқсилга ниҳоятда бой. Агар унинг толалари ишланилиб, сўнгра мева шарбати қўшилса ажойиб мураббо яратилади. Хуштаъмликда унга тенг йўқ.

ТРАМВАЙ РЕСТОРАН

Турин шаҳрида (Италия) чет элдан келган меҳмонлар эътиборини жалб этишнинг яна бир омилини ўйлаб топдилар. Шаҳардаги темир йўлларда трамвай-ресторан хизмат кўрсата бошлади. Уддабурон корхона эгалари ҳисобдан чиқарилган эски вагонни сотиб олиб, уни ремонт қилдилар, чиройли қилиб бўядилар, бу ерга одатдаги итальян ресторанини жойлаштирдилар. Трамвай бортида замонавий ошхона хизмат кўрсатмоқда. Йўловчилар учун қирқ ўринли стол қўйилган. Ғилдираклар устидаги ресторанда итальян пазандалигининг машҳур таомлари тайёрланаяпти. Вино ва спиртсиз ичимликлар уларга қўшимча қилиб қўйилмоқда.

Трамвайда саёҳат тўрт соат давом этади. Йўловчилар шу орада Туринининг диққатга сазовор ерлари билан танишиш имкониятига эга бўладилар. Ғилдираклар устидаги ресторанга қизиқиш шу қадар кучайиб кетдики, хизмат кўрсатишнинг бундай шаклларини янада кўпайтириш мўлжалланаяпти.

СУТДАН... БАЛИҚ ЧИҚДИ

Швециялик сут сотувчи Нильс Андерсен кўп йиллардан бери ўз маҳсулотига сув қўшарди. У дарё бўйида яшайди, шу боис сутга оби ҳаётни тўғридан-тўғри дарёдан оларди. Харидорлар у сотган маҳсулотга бирон-бир эътироз билдиришмаганидан ўз ишидан унинг кўнгли тўқ эди. Аслида эса бундай эмас экан, харидорлардан бири сут идишидан... балиқ топиб олди.

КРОССВОРД

ЭНИГА: 7. Фойдали ҳашарот. 8. Еқилғи. 9. Немис кимёгари. 10. Афсонавий махлуқ. 12. Оғирлик ўлчови. 15. Кимёвий суюқлик. 18. Буюк ҳинд ёзувчиси. 20. Ширинлик. 21. Қазилма бойлик. 22. Биринчи рус академиги. 23. Бошоқли экин. 24. Мусобақа ўлчов бирлиги. 25. Газлама турн. 26. Болгариядаги шаҳар. 29. Бухородаги янги шаҳар. 31. Ҳамид Олимжон драмаси. 34. Спорт анжомн. 35. «Ганга ва Жамна» фильми қаҳрамони. 36. Гоголь комедиясн.

БУЙИГА: 1. Грек ҳарфи. 2. Резавор. 3. Шеър бўлаги. 4. Киноплёнкадаги тасвир. 5. Чорва озуқаси. 6. Ҳинд бадиий фильми. 11. Жанубий Америкадаги давлат. 13. «Штурман эсдаликлари» китобининг муаллифи. 14. Бир ва ноллар билан ифодаланган сон. 16. Уйғун драмаси. 17. Математик амал белгиси. 18. Масаллиқ. 19. Француз педагоги. 27. Дурадгорлик асбоби. 28. Қовун нави. 29 Абхазиядаги санаторий. 30. Олий лига футбол командаси. 32. Фарғона областидаги район. 33. Шеърий жанр.



Тузувчи: Турсунали ҒАНИЕВ.

* * *

23 октябрда эълон қилинган кроссвордга газетхонларимиздан 50 га яқин хат олдик. Улардан самарқандлик М. Худойбердиев, Л. Эшонқулова, А. Дўстмуродов, тошкентлик М. Аҳмедова, А. Орипов, О. Ойнақулов, фарғоналик Р. Имомқулов, сирдарёлик Д. Арзиқулов, андижонлик Ж. Ҳамроев ва қашқадарёлик Н. Сайдалиева саволларга тўғри жавоб йўллашган.

КОРРЕКТОР ЁН ДАФТАРИДАН

Одатингизни синаб кўринг (омад).

* * *

Қўрқанга кўча кўринар (қўша).

* * *

Шеърият кўчаси (кечаси).

* * *

Қобул кун (қабул).

* * *

Ғариб эстрада куйлари (Ғарб).

* * *

Фильмни ёритганлар (яратганлар).

* * *

Қуруқхона (қўриқхона).

* * *

Совишганлар (севишганлар).

* * *

Мансабига тоғ тушди (доғ).

* * *

Ҳарбий асар (асир).

* * *

Тунингиз унумли бўлсин (кунингиз).

Тўпловчи: Ч. МАҲСУМОВ.

Курраи замин табиати

Республикамизда ҳам декабрнинг иккинчи ярмидан кумуш фасл бошланади. Лекин Ўзбекистоннинг қиши ўзига хос, СССРнинг бошқа минтақаларидагидан кескин фарқ қилади. Еққан қор тезда эриб кетади. Совуқ кунлар билан иссиқ дамлар алмашиниб туради. Шу боис ўлкамиз об-ҳавоси беқарор, тўсатдан ёға бошлаган ёмғир қорга айланиши мумкин: совуқ, изғиринли куннинг эртасига қуёш чарақлаб чиқиб, ҳаво очилиб кетади. Йўллар қуриб, кишиларга қиш эканлиги билинмайди.

Баъзи йилларда республиканинг жанубий районларида беданаларнинг қишлаб қолиш ҳоллари кузатилган. Читтаклар дарахтлар танасидаги ҳашаротларни қиришади. Саъвалар учиб келишади.

Тоғларда эса ҳақиқий қиш. Чўққилару ёнбағирларни оппоқ қор қоплади. Айиқлар совуқ кунлар қаҳрига бардош бера олмай уйқуга кетишди. Улар асосан илк баҳор чоғи уйғонишади. Бўрилар галаси тоғ этакларига тушади. Улар қўй ва эчки подаларига ҳужум қилиб, халқ хўжалигига зиён етказишади. Бунинг боиси шундаки, қуш ва ҳайвонлар озуқа топишда қийинчиликларга дучор бўладилар.

Ер юзининг бошқа жойларида об-ҳаво қандай келади? Евроосиё ва Шимолий Американинг катта қисмида декабрь бошиданоқ қаҳратон қиш ҳукм сура бошлайди. Иккала материкнинг тайга зонасига қаттиқ совуқ тушади, ҳаммаёқ қор билан қопланади. Гўё ҳаёт тўхтагандек туюлади, на қуш, на бошқа бирор ҳайвон кўринади, уларнинг ҳатто овозлари ҳам эшитилмайди. Кўл ва дарёлар, қўлтиқ ва денгизларни қалин муз қатлами қоплаб олади.

Сибирь, Монголия, Манжурия, Корея, Хитойнинг шимолий қисмида ёғингарчилик кам, баъзан бундай бўлмайди. Монголия ва Сибирда ҳарорат минус 40 даражадан 60 даражагача совиши мумкин.

Евроосиёнинг ғарбий томонларида декабрь — ёғингарчилик ойи. Ёмғирли ва туманли кунлар тез-тез бўлиб туради. Ҳиндистоннинг Декан ясси тоғлигида, Суданда, Венесуэлада ҳаво иссиқ ва қуруқ, дарахтларнинг барглари тўкилади, ўтлар қуриб, қовжираб қолади. Ўрта денгиз соҳиллари ва Калифорнияда бунинг аксича ҳаво илиқ келади, ёмғир ёғади, ўсимликлар кўм-кўк бўлиб ўсади.

Декабрь — куррамизнинг жанубий ярим шарида ёз фаслининг дастлабки ойи. Чилининг Тинч океани соҳилларида, Янги Зеландиянинг кенг баргли ўрмонларида гуллар чаман-чаман бўлиб очилади. Патагония, Калахари ва Австралия ғарбидаги чўлларда қурғоқчилик. Бразилия, Африканинг жануби ва Австралиядаги саванналарда муссон шамоллари эсиб, тез-тез ёмғир ёғади, ўсимликлар ва дарахтлар ўсиб, борлиқ ям-яшил либосга бурканади.

Т. МАҲМУДОВ,
табиатшунос.

БИЛАСИЗМИ?

Ер юзида йирик ва баландликда (тик ўсадиган дарахтлардан) ҳозирча Австрия эвкалипти — «Эвкалиптус»га тенглашадигани йўқ. Аниқ ўлчаб текширилган унинг бўйи 155 метрга етишини кўрсатди.

⊙

Секвоядендрон — салобатли дарахт. Унинг бўйи асосан 100 метр атрофида, баъзиларини 142 метрга етади. У кўндаланг кесилганда устига битта пианино ва тўртта музикачи жойлашгани ҳолда яна ўн олти киши учун ўйин тушадиган жой қолган.

⊙

«Раффлезия Арнольди» жаҳонда гули энг йирик бўлиши билан машҳур. Гулнинг диаметри 1 метр атрофида.

⊙

Сейшель пальмасининг ёнғоғи энг катта саналади. Ҳинд океанидаги Сейшель оролида ўсади. Пальма йилига ўрта ҳисобда 30 та ёнғоқ тугади. Ҳар бирининг оғирлиги 13—25 килограммга етади, эни 35— сантиметр, узунлиги — 50 сантиметр, айланаси — 1 метр.

⊙

Амазонка дарёси соҳилларида ўсадиган рафия пальмасининг япроғи дунёда энг йирик. Чодирдек кенг ва кўм-кўк, узунлиги — 22 метр, эни — 12 метр, бандн эса 5 метрга боради.

Япроқ остида ёмғирдан ёки офтобдан 10 киши бемалол бошпана топиши мумкин.

⊙

Приморьенинг жанубий қисмида темир ёки шмит қайини ўсади. Танасини ҳеч қандай болта кеса олмайди. Ўқ ҳам тешиб ўтолмайди. Қаттиқликда темирга тенг.

⊙

Вольффия гули ер юзида энг кичик саналади. Бундан ташқари жуда кам гуллайди. Баъзи ботаниклар уни кўриш ниятида бутун умрларини сарфлаганлар. Гулнинг катталиги тўғноғич учидек келади.

В. САТТОРОВ.

Спорт ахборотн

Утган ҳафта давомида республика ва иттифоқ миқёсида кўплаб мусобақалар бўлиб ўтди. Ана шу бахсларда ўзбекистонлик спортчилар ҳам муваффақиятли қатнашиб, совринлорлар сафидан ўрин эгаллашди.

СОВРИН АНДИЖОНЛИКЛАРДА

Эркаклар командалари ўртасида чим хоккейи бўйича ўтказилган Ўзбекистон кубоги мусобақалари якунланди. Саралаш учрашувларини айниқса Андижон ва Самарқанд хоккейчилари яхши ўтказдилар. Пировардида улар ҳал қилувчи матчда куч синашдилар. Кескин кураш остида ўтган ўйин 1:1 ҳисобида тугади. Киритилган ва ўтказиб юборилган тўплар нисбатига кўра Андижон хоккейчилари кубокни қўлга киритдилар.

МАҲОРАТ ҚУРИГИ

Уч кун давом этган «Чирчиқ—88» шахмат мусобақаси ёшлар учун маҳорат кўриги бўлди. Швейцарча қоида асосида ўйналган партиялар томошабинларда яхши таассурот қолдирди. Унда 7 учрашувни ўз фойдасига якунлаб, фақат Ўзбекистоннинг собиқ чемпиони М. Салтаевга ютказган Д. Қаюмов биринчи ўринни эгаллади.

Аёллар мусобақасида чирчиқлик мастерликка номзод К. Ибодуллаева ғолиб чиқди. Ўсмирлар баҳсида эса тошкентлик Я. Теплицкий биринчи бўлди.

ФАХРЛИ ЎРИН

Олмаотада рус шашкаси бўйича Бутуниттифоқ турнири бўлиб ўтди. Бу мусобақада республикамиз шарафини навоийлик спортчилар муносиб ҳимоя қилдилар. Спорт мастерлари Ф. Абдураҳмонов, Б. Намамедов, Б. Ҳамидов, мастерликка номзод А. Дониёровдан ташкил топган командамиз биринчи ўринни эгаллаб, бош соврин соҳиби бўлишди.

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Самарқанддаги олий спорт маҳорати мактабида оғир атлетика бўйича мамлакат кубоги ва айрим машқларда СССР биринчилиги мусобақаси ниҳоясига етди. Унда республикамиз вакиллари ўн тўртта медални қўлга киритдилар. Исроил Исҳоқов, Андрей Шмигин, Игорь Содиқов, Валерий Ни, Виктор Янский, Валерий Богуцкий, Андрей Шеявков, Вячеслав Ню ўз вазнларида ҳурмат шоҳсупасига кўтарилишди.

Редактор
А. Ғ. МУХТОРОВ.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»— «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими —33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими —33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —32-54-52. Таржима бўлимлари —32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Р. — 14266. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. 2158. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12